

Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

7/2020

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Акмал МУРОДОВ
Шахноза АХАТОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Кўлёмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош муҳаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича ғолиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: odilsudlov.oliy@sud.uz
Веб-сайт: www.odilsudlov.sud.uz

Босишга 2020 йил 22 июлда руҳсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табок. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма – 32. Нашр адади 4590 нусха.

Навбатчи муҳаррир
Муталиф СОДИҚОВ

ИНДЕКС:
якка тартибдаги обуюначилар
учун – 908;
ташилотлар учун – 909.

Сотувда келишилган нархда

«SILVER STAR PRINT» МЧЖ
босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: 100 139,
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-даҳа, 17-уй

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

Н. Насриев. Жамиятда адолатни таъминлаш устувор вазифа.....3

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Қарори.....7

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

У. Бакдурдиев. Сўроқ қилишнинг умумий қоидалари.....8

Ш. Камолов. Суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари ва тартиби.....11

СУД ҲУКМИ ВА ИЖРО

Д. Камилов. Жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукм, ажрим ва қарорларини ижро этиш.....16

МУЛОҲАЗА

А. Адиллов. Одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар.....19

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ ВА ЖАРЁН

Х. Давлатов. Маъмурий ишларнинг судловга тааллуқлилиги22

ШАРТНОМА ҲУҚУҚИ

Н. Юсупов. Шартномавий интизомни бузиш оқибатлари.....25

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Б. Аброров. Гаров шартномаси.....28

Ш. Рамазонов. Даъво муддати.....31

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

Г. Олимова. Меҳнат шартномаси тузишнинг аҳамияти.....34

МУЛК ҲУҚУҚИ МАСАЛАЛАРИ

Ш. Назаров. Хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг муҳим жиҳатлари: таҳлил ва тақлиф.....37

МУНОСАБАТ

А. Юлдашов. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик: Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси.....43

ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАСИ

Н. Жабборов. Активларни қайтариш бўйича халқаро тажриба.....47

ОГОҲЛИК

Ў. Номозбоев. Коронавируснинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири.....50

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТотека ЮРИСТА.....79



ЖАМИЯТДА АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШ УСТУВОР ВАЗИФА

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар, одил судлов тизими, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги ишлар, галдаги муҳим вазифалар хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Козимжон КОМИЛОВ ЎЗА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

– Дарҳақиқат, адолат – инсонга берилган неъматлардан энг афзалидир. Шунинг учун одамзод ҳар ишда адолатга таянади, ҳаётни шу мезон билан ўлчашга интилади. Адолат биз учун нафақат табиий, балки маънавий ва ижтимоий эҳтиёж ҳамдир. Ҳар қандай жамият ва давлатда адолатга, демакки, судларга, одил судловга бўлган ишонч муҳим ўрин тутари.

Адолатга қонунларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш орқали эришилиши нуқтаи назаридан ёндашсак, суд ва одил судловнинг бу борадаги ўрни ҳамда аҳамияти яққол аён бўлади. Давлатимиз раҳбари томонидан «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак», «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» ёки «Давлат ҳам, ислохотлар ҳам инсон манфаатига хизмат қилиши керак» деган тамойиллар илгари сурилгани бежиз эмас.

Нега деганда, Ўзбекистон Конституцияси ва шу асосда ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида инсон омили, инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва

қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи бирламчи ўринда туради. Инсонни эъозлашга қаратилган тизимли ва изчил ислохотлар – янгиланаётган Ўзбекистоннинг янгича давлат сиёсати замирида ана шу эзгу ғоя мужассам.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, инсоннинг жамиятда азизлиги унинг ҳуқуқлари қай даражада рўёбга чиқаётгани, бу борадаги қонунлар ижроси, ҳуқуқни тўғри, адолатли қўллаш мисолида намоён бўлади. Бу эса, ўз номи билан айтганда, одил судловни таъминлаш демакдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек, аввало, суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш – яқин келгусидаги энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарур.

Давлатимиз раҳбари шу йил 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида суд тизими ҳақида фикр билдирар экан, «Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу Президент талаби!», деб қатъий таъкидлади.

Айтиб ўтиш керакки, ушбу устувор масалалар юзасидан ўтган уч йилда 20дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ислохотлар натижасида судлар томонидан илк маротаба 2 минг

273 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди.

Шунингдек, жиноят йўлига билиб-билмай кирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик кафиллигига олинди. Инсон ҳуқуқларини бузганлиги учун ҳуқуқ-тартибот идораларининг 60 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилди. Бундай ўзгаришлар одамларимизда ҳақиқат ва адолатга бўлган ишонч-ни мустаҳкамламоқда.

Судьяларимизнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиздир.

Шу ўринда яна рақамларга мурожаат қиламиз. 2019 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 36 минг 845 нафар шахсга нисбатан 28 минг 846 та иш кўриб чиқилган. Натижада 859 нафар шахс оқланган ва реабилитация қилинган бўлса, 19 минг 278 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Бундан ташқари, 1 минг 368 нафар шахс шартли ҳукм қилинган. Ярашув институтининг самарали қўлланилиши туфайли 7 минг 329 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган. Ўтган йили Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида 1 минг 788 нафар шахсга нисбатан 1 минг 486 та иш кўриб чиқилган. Бунда 1 минг 37 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилинган ва 581 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан эса, 188 минг 282 та иш кўриб

чиқилиб, 162 минг 327 та ҳал қилув қарори чиқарилган. Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида 1 минг 24 та иш кўриб чиқилиши асносида биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган 327 та қарор бекор қилинган ва 117 та суд қарори ўзгартирилган.

Иқтисодий судлар томонидан 197 минг 291 та иш кўриб чиқилиб, даъвогарлар фойдасига 11,7 триллион сўм ундириш ҳақида суд қарорлари қабул қилинган. Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида 675 та шикоят ва протестлар кўриб чиқилган. Қуйи судлар томонидан чиқарилган 345 та қарор бекор қилинган ва 115 та суд қарори ўзгартирилган.

Айни даврда маъмурий судлар томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган 16 минг 256 та иш кўриб чиқилган. Натижада 11 минг 142 фуқаро ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари тикланган. Шунингдек, маъмурий судлар томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар бўйича 495 минг 106 нафар шахсга нисбатан 412 минг 807 та иш кўриб чиқилган.

Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида 3 минг 754 та шикоят ва протестлар кўриб чиқилди. Шундан 704 таси иш материаллари асосида ўрганилиб, қуйи судлар чиқарган қарорларнинг 380 таси бекор қилинди ва 58 таси ўзгартирилди.

Олий суд томонидан кўриб чиқилган жами 925 минг 781 та ишдан 2 минг 960 таси бўйича қуйи инстанция судларининг суд ҳужжатлари қонунларга мувофиқлаштирилди. Яъни, мазкур ишларда ҳам қонун устуворлиги – адолат таъминланди, дейишимизга асос бор. Чунки, суд

томонидан кўрилган ишлар ичида атиги биттаси бўйича хато қарор қабул қилинса ҳам – бу билан камида бир инсон тақдирга таҳдид қилинган ёки ўша ишда адолат тамойили бузилган ҳисобланади.

Буни барча тизимдаги судларнинг судьялари яхши англаб етишлари шарт. Бинобарин, жами кўрилган ишлар ҳажмида арзимас рақам бўлиб кўринган бу каби хатолар таҳлили одил судловни тўла таъминлаш, аҳоли онгига судларга ишонч ҳиссини сингдириш борасида салбий таъсир этувчи бир қатор омиллар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Биринчи омил – судлар фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ёки бу борада норма ижодкорлигининг самарасини тубдан яхшилаш билан боғлиқ. Демак, тўғридан-тўғри қўлланадиган қонунларга зарурат бор. Мисол учун, иқтисодий судларда кўрилган жами ишларда низоларнинг асосий қисмини тадбиркорлик фаолияти, шартномавий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар ташкил этаётгани ҳолда ҳамда ушбу низолар ечимида тизимли қонун ҳужжатига эҳтиёж борлиги сезилади.

Чунки, биргина тадбиркорлик ва хусусий сектор соҳасининг ҳуқуқий кузатувига назар ташласак, мазкур соҳага дахлдор 14 мингдан ортиқ турли қонун ҳужжатлари мавжуд. Буларнинг асосий қисми қонуности ёки идоравий ҳужжатлардир. Айнан шу ҳужжатларда ҳаддан зиёд тартибга солиш тамойилининг сақлаб қолингани, ортиқча тартиб-таомиллар амал қилаётгани одил судловга ўз таъсирини ўтказмоқда. Натижада судлар томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларининг кафолатларини тўғридан-тўғри таъминлашда, қонундан кейин турувчи ёки қонунларнинг ижроси учун хизмат қилувчи қонуности ҳужжатларда, давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида

белгилаб қўйилган ҳуқуқий асосга таяниб иш кўриш ҳолатлари кузатилмоқда.

Иккинчи омил – одил судловга масъул судьяларнинг айримлари бугунги ўзгаришлар, замон талабларига мос ва ҳамоҳанг равишда ўз вақтида ўзгара олмаётганлигига, бошқача айтганда, инсон омилига бориб тақалади. Модомики, судьялар адолат, одил судлов ва қонун устуворлигини таъминлаш учун масъул эканми, демак уларнинг маънавияти ҳам шунга яраша юксак бўлиши лозим. Бунинг учун эса тинмай ўқиш, изланиш ва замон билан ҳамқадам бўлиш кун тартибимиздаги долзарб масаладир.

Судьялар маънавиятнинг моҳиятини, айниқса, чуқур англашлари керак. Ҳалоллик ва поклик уларнинг ҳаётида, фаолиятида устувор аҳамият касб этиши даркор. Ҳалоллик ва поклик устувор бўлса, қут-барака ёғилади, қутилган натижалар ҳам шунга яраша бўлади. Мурожаатномада таъкидланганидек, коррупцияга қарши кураш, адолатни бош мезон қилиб олиш, айтишга осон. Ўтмиш сабоқларидан маълумки, қайси ташкилотга коррупция билан курашиш ваколати юклатилса, бу иллатнинг барча ришталари ўша ташкилотга бориб уланаверарди.

Бундай ташкилот, коррупцияга қарши кураш эмас, балки, таъбир жоиз бўлса, уни бошқариш ва тартибга солиш билан машғул бўлиб кетарди. Ҳеч қандай жазо, ҳеч қандай хавф бунинг олдини ололмаган. Бунинг ягона йўли – «ҳалоллик вакцинаси». Яъни, ҳалоллик инсоннинг онгу шуурида бўлиши лозим.

Худди шу «ҳалоллик вакцинаси» ҳақида сўз борганда, кўз олдимизда юксак маънавиятли инсонлар гавдаланиши табиийдир. Демакки, «ҳалоллик вакцинаси билан эмлаш», яъни маънавиятни юксалтириш масаласи судлар фаолиятида усту-

вор мавқени эгаллашига сўзсиз эришимиз талаб этилади.

Шу маънода, Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган бир қатор муҳим йўналишлар ва аниқ вазифаларга тўхталиш айна муддаодир.

Хусусан, Давлат дастурида суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ёки ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирган ишларни прокурор томонидан томонларнинг (прокурордан ташқари) мурожаати мавжуд бўлгандагина суддан талаб қилиб олиш, одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанцияларини ислоҳ қилиш кўзда тутилган.

Назорат тартибида иш юритиш институтини бекор қилиш, тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят турларини декриминализация қилиш вазифаси белгилаб берилган. Видеоселекторда давлатимиз раҳбари айнан шу йўналишда тезроқ амалга ошириш зарур бўлган вазифаларга тўхталди. Мутасаддиларга илғор тажрибалар ва халқаро стандартлар асосида суд тизимини «бир суд – бир инстанция» тамойили асосида қайта кўриб чиқиш топшириғи берилди.

Демак, эндиликда суд тизимида эскилик сарқити бўлган, ўз номи билан ҳам суднинг мазмун-моҳиятига тўғри келмайдиган «назорат тартибида ишларни кўриш» амалиётидан тўлиқ воз кечилади.

Президент Шавкат Мирзиёев судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишларига таъсир ўтказувчи барча омилларни, шу жумладан, Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг протест келтириш ҳуқуқини бекор қилиш таклифини илгари сурди. Парламент палаталари ушбу таклифни кўриб чиқади.

Суд фаолиятида рақамли технологиялар жорий этилгани ҳам ишлар самардорлигини оширганини айтиб ўтиш жоиз. Жорий йил якунига қадар Олий судда ягона «Адолат» ахборот тизимлари комплексини ишга тушириш вазифаси юклатилди.

Бунда, барча учун судларга электрон мурожаат қилиш, мурожаатлар ҳолатини онлайн тарзда кузатиш, тарафларга маълумотларни электрон шаклда юбориш имконияти яратилади. Судлар жорий йилда видеоконференция алоқа тизими билан 100 фоиз камраб олинади.

Жорий йилнинг якунига қадар суд мажлисларини аудиоёзув орқали қайд этишнинг мажбурий тартиби жорий этилади. 2021 йил 1 апрелга қадар судларнинг ахборот тизимини 15 та вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали маълумотлар алмашинуви тўлиқ рақамли тизимга ўтказилади.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек судга бориш учун айрим туман ва шаҳарларимизда одамларга қулайлик яратиш зарурлиги ҳақида гапирди. Мисол учун, аҳолиси энг кўп туманлардан бири бўлган Ургутда (500 минг киши, 102 та маҳалла) фуқаролик ишлари бўйича суд йўқлиги сабабли 80 километр йўл босиб, Тайлоқ туманлараро судига борилади. Шу боис, судлар ва уларнинг фаолиятини оптималлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Пировардида, буларнинг барчаси инсон манфаатлари устунлигига асосланган инсонпарвар ислохотларимиз самарасини янада оширишга хизмат қилади.

ЎЗА мухбири

Нурилло НАСРИЕВ ёзиб олди

ЎЗА

ОЛИЙ СУД РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ САЙЛАНДИ



Робахон Анваровна
МАХМУДОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосарини сайлаш тўғрисида» 2020 йил 13 июлдаги Қарори билан Робахон Анваровна **Махмудова** ўн йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари лавозимиغا сайланди.

ОЛИЙ СУД ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2020 йил 13 июлдаги Қарори билан:

1. Бахром Абдувалиевич **Тангабаев** ўн йил муддатга;
2. Ибрагим Мирзарахимович **Алимов** муддатсиз даврга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимиغا сайландилар.



Бахром Абдувалиевич
ТАНГАБАЕВ



Ибрагим Мирзарахимович
АЛИМОВ

СЎРОҚ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

Жиноятларни тезкор ва тўла ошкор қилиш, айбдорларни жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларидан қонунда белгиланган тартибда ушбу шахсларнинг айбдорлигини исботлаш талаб қилинади. Дастлабки тергов ва суд терговидаги исботлаш жараёни ниҳоятда мураккаб иш бўлиб, у нафақат амалий кўникмаларни, балки назарий билимларни ҳам талаб қилади.

Шахсни сўроқ қилиш тергов жараёнининг муҳим босқичи ҳисобланиб, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларидан қонун нормаларини чуқур ўрганиш ва уларни ҳаётга татбиқ эта билишни талаб қилади.

Сўроқ қилиш тергов қилинаётган иш учун муҳим маълумотларга эга шахсдан кўрсатув олиш жараёнидир. Бироқ, бу энг мураккаб тергов ҳаракатидир. Чунки, аксарият ҳолларда ҳақиқатни айтишни ёки умуман кўрсатув беришни истамаган, ҳаттога йўл қўйган, адашган, эҳтимол, иш бўйича ўзига аён бўлган барча ҳолатларни айтиб беришга чин кўнгилдан интилган шахс бўлади. Ёлғон кўрсатувларни ўз вақтида ошкор қилиш, кўрсатувларга баҳо бериш эса жиноятни фош этишда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўрсатувлар исботлар манбаидир, уларда мавжуд бўлган фактик маълумотлар эса исботлардир. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи учун кўрсатувлар ўзларига қарши гумонлардан ёки қўйилган айблардан ҳимояланиш воситасидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 10-бобида сўроқ қи-

лишнинг умумий қоидалари белгиланган бўлиб, унга кўра, тергов ҳаракати тергов амалга оширилаётган жойда ёки сўроқ қилинувчи турган жойда одатда, кундузи ўтказилиши мумкин. Сўроқ қилинувчилар яккама-якка қолиб кўрсатув берадилар, қонунда бевосита назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (ҳимоячининг, педагогнинг, вояга етмаганнинг қонуний вакиллари ёки яқин қариндошларининг иштироки).

Дастлабки тергов даврида сўроқ қилишдан олдин терговчи зарур ҳолларда сўроқ қилинувчининг шахсини аниқлайди, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, анкета тарзидаги зарур маълумотларни аниқлайди. Иш моҳияти бўйича сўроқ қилиш шахсга иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни айтиб беришни таклиф қилишдан бошланади, кейин эса саволлар бериш мумкин.

Сўроқ жараёни ва натижалари суриштирув ҳамда дастлабки тергов босқичида сўроқ баённомасида, суд муҳокамасида эса суд мажлиси баённомасида қайд қилинади.

Сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши мумкин.

Кўрсатувлар баённомага имкон қадар сўзма-сўз ёзиб борилади. Зарур бўлса, сўроқ қилинувчига берилган саволлар ва уларнинг жавоблари ҳам ёзилади. Сўроқ қилиш тугалланганидан кейин сўроқ қилувчига баённома танишиб чиқиш учун берилади ёки унинг илтимоси билан ўқиб эшиттирилади. Кўрсатувларнинг тўғри

ёзилганлиги сўроқ қилинувчи ва терговчи имзолари билан тасдиқланади.

Сўроқ қилишнинг қонуний кафолатларидан бири йўналтирувчи саволлар беришнинг ман этилганлиги, сўроқ қилишнинг тўлаллиги кафолати эса, имкон қадар кўрсатувларни сўзма-сўз баён этишни талаб қилишдир.

Агар сўроқ қилинувчи жиноят иши юри-тилаётган тилни билмаса, у ўз она тилида кўрсатув бериш, терговчи томонидан тайинланган таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Кўр, қар ёки соқовни сўроқ қилиш зарурати туғилганда ҳам шу тарика иш тугилади. Терговчи томонидан сўроқ қилишда иштирок этиш учун қар ёки соқовнинг имо-ишораларини тушунадиган ва сўроқ қилиш пайтида таржимон вазифасини бажарадиган шахс чақиртирилади.

Жиноят-процессуал кодексида белгилаб қўйилган сўроқ қилиш тартиби тўла, ҳар томонлама ва объектив кўрсатувлар олиш учун оптимал шароитлар яратади. Айни пайтда баъзи сўроқ қилишларнинг паст самарадорлигининг сабаби, энг аввало, сўроқ қилишнинг процессуал тартибига риоя қилмаслик – эркин сўзлаб бериш имкониятларидан фойдалана билмаслик, сўроқ қилинувчига саволларни нотўғри бериш ва ҳоказолар ҳисобланади.

Сўроқ қилишни тартибга соладиган процессуал қоидалар умумий характерга эга бўлиб, сўроқ қилинувчиларнинг ҳақиқатдан адашган ёки қасддан ёлғон гапириши ҳолатларида зарур бўладиган аниқ усул ва услубларни белгилаб бермайди. Бу вазифани криминалистика ва тергов амалиётида ишлаб чиқилладиган тактик усуллар бажаради. Сўроқ қилиш тактикаси аниқ, тўла ва ҳар томонлама кўрсатувларни олишни таъминлайдиган ва жиноят-процессуал қонуни нормаларига асосланган энг самарали усул ва услублар тизимидир.

Сўроқ қилинувчининг кўрсатувлари рақамлар ёки хотирада сақланиши қийин бошқа маълумотларга тааллуқли бўлса, у

сўроқ жараёнида ўзидаги ёки ишга қўшиб қўйилган ҳужжатлардан ёхуд бошқа ёзувлардан фойдаланиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилинувчидан сўроқ қилиш жараёнида у фойдаланаётган ҳужжатлар ва бошқа ёзувларни талаб қилиши, уларни кейин қайтариб бериши ёки ишга қўшиб қўйиши мумкин.

Сўроқ қилинувчи томонидан ҳозирги ва илгариги сўроқларда берилган кўрсатувлар ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлса, сўроқ қилинувчи судда кўрсатув беришдан бош тортса, иш сўроқ қилинувчининг иштирокисиз кўриб чиқиладиганда унинг кўрсатувлари ўқиб эшиттирилиши мумкин.

Сўроқнинг умумий давом этиш вақти бир кунда саккиз соатдан ошмаслиги лозим. Дам олиш ва овқатланиш учун берилладиган бир соат танаффус бу ҳисобга кирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 11-бобида гумон қилинувчини ва айбланувчини сўроқ қилиш қоидалари белгиланган бўлиб, унга кўра, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун чақирилган, қамоққа олинган ёки мажбурий келтирилгандан кейин дарҳол ёки йигирма тўрт соатдан кечиктирмай, сўроқ қилиниши керак.

Гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқроп бўлиши, бу иқроп бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкин.

Гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқроп бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳола-ниши лозим.

Жиноят-процессуал кодексининг 12-бо-

бига кўра, гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш тартиби юқорида қайд этилган умумий қоидаларга, шунингдек мавжуд тартибларга риоя қилган ҳолда олиб борилади.

Хусусан, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкин.

Гувоҳ ёки жабрланувчининг шахси аниқланганидан ва унга процессуал ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилганидан кейин у кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиб, бу ҳақда сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар.

Суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан аниқланаётган ҳолатлар ўзида давлат сирларини ёки касб сирини ёхуд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёхуд бошқа шахслар ҳаётининг сир тугиладиган томонларини акс эттирганлигини баҳона қилиб, гувоҳ ва жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортишга ҳақли эмас.

Аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ўзида давлат сирини ёки касб сирини акс эттиради ёхуд шахслар ҳаётининг сир тугиладиган томонларига тегишли деб ҳисоблаш учун асос бўлганда, суриштирувчи, терговчи ва суд гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш чоғида бу ҳолатларнинг ошкор этилишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриши шарт.

Жиноят-процессуал кодексида вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг ўзига хос жиҳатлари белгиланган

бўлиб, унга кўра, ўн олти ёшгача бўлган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирокида уларнинг розилиги билан ўтказилади. Кўрсатилган шахслар сўроқ қилувчининг рухсати билан гувоҳ ёки жабрланувчига саволлар беришлари мумкин.

Ўн олти ёшгача бўлган гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар, бироқ суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи шу гувоҳ ва жабрланувчиларга уларнинг процессуал ҳуқуқи ва мажбуриятларини тушунтириш чоғида ҳаққоний кўрсатув бериш ва бу билан жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга кўмаклашиш маънавий бурч эканлигини эслатиб ўтади.

Жинсий эркинликка қарши, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар савдосига оид жиноят ишлари бўйича вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш, шунингдек бошқа ҳолатларда сўроқ қилиш, агар бунинг одил судловнинг ёки вояга етмаган шахснинг манфаатлари талаб этса, стенография, видеокузатув, шунингдек аудио- ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хонада қонуний вакил, педагог ёки психолог иштирокида ўтказилиши мумкин.

Сўроқни стенография, видеокузатув, шунингдек аудио- ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хоналарда ўтказиш тартиби суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан белгиланади.

У. БАҚДУРДИЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Хоразм вилоят суди
раиси вазифасини бажарувчи

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

Ҳар қандай давлатнинг обрўси ва нуфузи шу мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари қай даражада таъминлангани билан баҳоланади. Фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш эса, суд органлари билан бевосита боғлиқ.

Табиийки, фуқаро суд даргоҳига адолат топиш илинжида келади. Инсонпарварлик, қонунийлик ва демократик тамойиллар асосида ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши фуқарода мустақил суд ҳокимиятига нисбатан бўлган ишончни оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги назарда тутилган. Суд ҳужжатларининг буйруқ тарзидаги ўзига хос табиати уларнинг шакл ва мазмунига алоҳида қатъий талабларни қўяди. Шу сабабли, суд ҳужжатларини тўғри тушуниш ва аниқ ижросини таъминлаш учун судлар томонидан чиқарилаётган суд ҳужжатини амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш, процесуал норма ва қоидаларга риоя қилиш ўта муҳим саналади.

Судлар зиммасига юклатилган одил судловни амалга ошириш ваколати судлар томонидан чиқариладиган суд ҳужжатларида намоён бўлади. Одил судловни таъминлаш ваколати саналган ушбу норма Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 478-моддасида аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу моддага мувофиқ суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги апелляция, кассация ва назорат тартибида текширилиши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан мазмунан кўриб чиқилган ишлар юзасидан чиқарилган ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари ЖПКнинг 55-бобида назарда тутилган бўлиб, унга кўра, ишни юқори инстанция суди томонидан кўриш:

апелляция тартибида – маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакилининг суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан; фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва улар вакилларининг ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан; оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилининг ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан ҳамда ишда тараф бўлмаган шахсларнинг суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан берган шикоятлари, прокурор ва унинг ўринбосарининг протестига биноан;

кассация тартибида – суднинг қонуний кучга кирган ҳукми устидан маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакилининг; фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва улар вакилларининг ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан; оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилининг ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан ҳамда ишда тараф бўлмаган шахсларнинг суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан берган шикоятларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг кассация тартибида келтирган протестларига биноан;

назорат тартибида – Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари протестларига биноан, янги очилган ҳолатлар муносабати билан эса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари протести, шунингдек юқорида назарда тутилган шахсларнинг шикоятлари бўйича амалга оширилади.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди куйи инстанция суди томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатлари қанчалик тўғри аниқланганлигини, жиноят ва жиноят-процессуал қонуни нормалари қанчалик тўғри қўлланилганлигини текширади.

Юқори инстанция суди, агар чиқарилган суд қарори моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, уни ўзгаришсиз қолдириш ҳақида ажрим, қарор қабул қилади. Суд қарори ўзгаришсиз қолдирилганида юқори инстанция суди ЖПК 533-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида кўрсатилган асос мавжуд бўлганда ҳукмнинг ижросини кечиктиришга ҳамда амнистия актини қўллашга ҳақли.

ЖПКнинг 484-моддасида ҳукм бекор қилиниши ва ўзгартирилиши учун умумий асослар белгиланган бўлиб, унга мувофиқ:

1) суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги;

2) ҳукмда баён қилинган суд ҳулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;

3) ушбу Кодекс нормаларининг жиддий бузилганлиги;

4) Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги;

5) жазонинг адолатсизлиги суд қарорларининг апелляция, кассация ёхуд назорат тартибида бекор қилинишига ёки ўзгартирилишига асос бўлади.

Суд жиноят ишини апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиб:

- биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

- биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилишга ва оқлов ҳукми чиқаришга;

- биринчи инстанция судининг оқлов ҳукмини бекор қилишга ва айблов ҳукми чиқаришга;

- биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилишга ва ишни тугатишга;

- биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартиришга, шу жумладан, айблов ҳажмини, жиноятнинг тавсифланишини ўзгартиришга, жазони енгиллаштиришга ёки кучайтиришга, шунингдек оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ҳақли.

ЖПКнинг 521-моддасига мувофиқ назорат инстанцияси суди ишни назорат тартибида кўриб чиқиб ўзининг ажрими, қарори билан:

- ҳукми, ажримни, қарорни ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

- ажримни, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиш учун юборишга;

- ҳукми, ажримни, қарорни бекор қилишга ва ишни тугатишга;

- ҳукми, ажримни, қарорни ўзгартиришга ҳақлидир.

Қонун талабига кўра, назорат инстанцияси суди жиноят ишини назорат тартибида кўриб, қисман суд тергови ўтказиш йўли билан камчиликларни тўлдириш ёки аниқланган камчиликларни ёхуд процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш имконияти бўлмаган тақдирда, апелляция ёки кассация ажримини, шунингдек кейинчалик суд ажримлари, қарорлари чиқарилган бўлса, уларни ҳам бекор қилган ҳолда ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқишга ўтказиши мумкин.

Апелляция, кассация инстанцияси судла-

ри эса, тўлиқ ёки қисман суд тергови ўтказишга, ҳукми бекор қилишга ва янги ҳукм чиқаришга ёхуд ҳукмга ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

Назорат инстанцияси суди, агар биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанциялари суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш имконияти бўлса, қисман суд тергови ўтказиш ва ҳукмга ўзгартиришлар киритишга ваколатлидир.

Юқори инстанция суди асослар мавжуд бўлган тақдирда, маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишга, унга жазони ижро этиш колониясининг қаттиқроқ турини белгилашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш миқдорини кўпайтиришга, шу билан биргалликда ҳукмнинг айрим маҳкумларга қўйилган айблов қисмини ёки фуқаровий даъво қисмини бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақлидир.

Ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб чиқиш чоғида Жиноят кодекси нотўғри қўлланилганлиги ёхуд жиноятнинг оғирлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мувофиқ келмайдиган жазо белгиланганлиги ҳақида хулосага келинса, суд ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан ЖПКнинг 494-моддаси талабларига риоя этган ҳолда ҳукмга, ажримга, қарорга зарур ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Қонунда ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб чиқиш жараёнида ЖПКнинг 83-моддаси ва 84-моддасининг биринчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган асослар мавжудлиги аниқланган тақдирда, шунингдек биринчи инстанция судида кўриб чиқилган далиллар судланувчини айбли деб топиш учун етарли бўлмай қўшимча далиллар тўплаш имконияти қолмаган бўлса, айблов ҳукми бекор қилиниб, жиноят иши тугатилиши назарда тутилган.

Шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи амнистия актига зид равишда ёки жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтгандан сўнг жиноят иши қўзғатилган ҳолларда, суд қарорлари, гарчи уларда маҳкум жазодан озод қилинган бўлса ҳам, бекор қилиниб, иш тугатилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ЎРҚ–163-сонли Қонуни билан Жиноят кодекси (ЖК)га киритилган ўзгартиришларга мувофиқ апелляция ва кассация инстанцияси судларининг ишни кўриб чиқиш чоғида жазони кучайтиришга, худди шунингдек оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга фақатгина ана шу асослар бўйича жабрланувчи томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонидан протест билдирилган ҳолларда ҳақлилиги белгиланди.

Айни вақтда, суд жиноят ишини назорат тартибида кўриб чиқиш чоғида жазони кучайтиришга, худди шунингдек оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ҳақли эмас.

Оқлов ҳукми юқори суд томонидан фақат прокурорнинг апелляция ёки кассация протести, жабрланувчининг ёки унинг вакилининг шикояти ёхуд оқланган шахсининг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг апелляция ёки кассация шикояти, шунингдек жабрланувчининг ёхуд унинг вакилининг, оқланган шахсининг шикояти ёки назорат тартибида берилган протест бўйича бекор қилиниши мумкин.

Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги «Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 25-бандида берилган раҳбарий тушунтиришларга мувофиқ апелляция, кассация инстанцияси суди ҳукми ўзгартириш учун асослар мавжуд бўлганда куйидагиларга ҳақли:

қилмишни ЖКнинг бошқа моддасига (бир неча моддаларига) қайта квалификация қилишга;

ҳукмдан айбловнинг бир қисмини (айрим эпизодларини) ёки маҳкумнинг жа-

вобгарлигини оғирлаштирувчи белгиларни чиқаришга;

айбловнинг биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган бир қисмини (айрим эпизодларини) айбловга қўшишга;

ҳукмдан жиноятларнинг идеал мажмуи тарикасида қилмишни нотўғри баҳолаш тугайли ортиқча эълон қилинган ЖК моддасини чиқаришга;

ЖКнинг 70 – 72-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда маҳкумни жазодан озод қилишга;

жазо миқдорини ўзгартириб, ЖК Махсус қисмининг моддаси санкцияси доирасида енгилроқ ёки оғирроқ жазо (асосий ва қўшимча) тайинлашга ёхуд ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда бошқа жазо тайинлашга;

ЖКнинг 59 ёки 60-моддасини қўллаб, жазо миқдорини ўзгартиришга;

жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришга, шунингдек ушбу масала биринчи инстанция суди томонидан ҳал этилмаган ҳолларда – бундай зарарни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилишга;

маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишга ёки ҳукмдан уни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги қарорни чиқаришга;

маҳкумга нисбатан жазони ижро этиш колониясининг бошқа, шу жумладан, қаттиқроқ турини белгилашга.

Апелляция, кассация инстанцияси суди агар ишни кўриш вақтида судланувчи томонидан айб эълон қилинмаган бошқа жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ЖПК 416-моддасининг биринчи қисми қоидаларига мувофиқ; жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ЖПК 417-моддасининг биринчи қисми қоидаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

Назорат инстанцияси суди эса, ЖПКнинг 494-моддасига мувофиқ оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш ёки жазони кучайтиришга зарурат бўлганида, апелляция ёки кас-

сация инстанцияси ажримини бекор қилиб, ишни апелляция ёки кассация тартибида янгидан кўриш учун юборишга фақат шу асослар бўйича жабрланувчи томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонидан протест билдирилган ҳолда ҳақли.

Олий суд Пленумининг 2015 йил 18 сентябрдаги «Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 2-бандида жазо тайинланмаган ҳолда айблов ҳукми чиқарилган (ЖКнинг 70, 71, 76-моддалари) ёхуд шахс бир вақтнинг ўзида асосий ва қўшимча жазодан биринчи, апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан озод қилинган (ЖКнинг 69, 75, 76-моддалари) бўлса, шахс судланмаган ҳисобланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Шу ўринда суд амалиётидан мисол келтирсак. Биринчи босқич судининг 2019 йил 11 февралдаги ҳукмига кўра, А.Маматов (исм-фамилия ўзгартирилди) ЖК 169-моддаси учинчи қисмининг «а» банди билан ЖКнинг 841-моддасига асосан бир йил муддатга озодликни чеклаш жазосига судланган.

Иш ҳужжатларига қараганда, А.Маматов муқаддам жиноят ишлари бўйича Навбахор туман судининг 2018 йил 11 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖК 169-моддаси иккинчи қисмининг «в», «г» бандлари билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 71-моддасига асосан жазодан озод қилинган.

Бироқ, суд томонидан қонуннинг юқоридаги талаблари ҳамда Олий суд Пленумининг қарори тушунтиришларига риоя этилмаган. А.Маматов муқаддам суд ҳукми билан жазодан озод қилинган (судланмаган) бўлса-да, мазкур жиноят иши бўйича у ЖК 169-моддаси учинчи қисмининг «а» банди (хавфли рецидивист) билан айбли топилиб, хатога йўл қўйилган.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди кассация инстанциясининг 2019 йил 18 июндаги ажрими билан ҳукмнинг вояга ет-

маган А.Маматовга оид қисми ўзгартирилди. Унинг ҳаракатлари ЖК 169-моддаси учинчи қисмининг «а» бандидан ЖК 169-моддаси иккинчи қисмининг «в» бандига қайта ма-лакаланди. А.Маматовга ЖКнинг 84¹-мод-дасига асосланган ҳолда санкция доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Жиноят қонунчилиги меъёрларида жа-зони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш, шунингдек жазони енгилроқ жазо билан алмаштириш мезонла-ри мавжуд. ЖК 73-моддаси учинчи қисми-нинг «а» бандида жазони ўташдан мудда-тидан илгари шартли равишда озод қилиш маҳкум унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўл-ганидан кейин қўлланилиши мумкинлиги қайд этилган. Ёки ЖК 74-моддасининг ол-тинчи қисмида жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахслар енгилроқ жазо-нинг тегишли қисмини ўтаб бўлганларидан кейин ЖКнинг 73-моддасида назарда тутил-ган қоидаларга биноан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинишлари мумкин-лиги белгиланган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги «Жазони ўташдан муд-датидан илгари озод қилиш ва жазони ен-гилроғи билан алмаштириш бўйича суд ама-лиёти тўғрисида»ги қарорининг 6-бандида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институти ЖКнинг 74-модда-сига мувофиқ жазоси енгилроқ жазо тури билан алмаштирилган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкинлиги, бунда маҳкум томонидан енгилроқ жазонинг ЖК 73-мод-дасининг учинчи қисмида назарда тутилган қоидаларга биноан, мазкур жазо ижроси бошланган кундан ҳисобланадиган муайян муддати амалда ўтганидан сўнг у жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиниши мумкинлиги ҳақида судларга раҳбарий ту-шунтириш берилган.

Биринчи босқич судининг 2019 йил 17 майдаги ажримига кўра, туман ИИО проба-

ция гуруҳининг тақдимномаси қаноатланти-рилган. Маҳкум Ф.Каримов (исм-фамилия ўзгартирилди) ўталмай қолган 1 йил 11 ой 26 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖК-нинг 73-моддасига асосан муддатидан илга-ри шартли равишда озод қилинган.

Бироқ, суд томонидан қайд этилган қо-нун ва Олий суд Пленумининг қарори та-лаблари бузилган. Иш ҳужжатларига қара-ганда, Ф.Каримов туман судининг 2018 йил 9 апрелдаги ҳукми билан ЖК 169-моддаси иккинчи қисмининг «б», «в», «г» бандлари билан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жа-зосига судланган.

Суднинг 2018 йил 16 октябрдаги ажри-мига кўра, ЖК 48¹-моддасининг олтинчи қисми тартибида Ф.Каримовга ўталмаган 2 йил 6 ой 9 кун озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жа-зосига алмаштирилган.

Суднинг 2019 йил 4 апрелдаги ажрими би-лан маҳкум Ф.Каримовнинг ўталмай қолган 2 йил 2 ой 20 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Биринчи босқич суди маҳкум Ф.Каримов-ни ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилишда мазкур жазонинг амалда учдан бир қисмини ўтамаганлигини эътибордан четда қолдириб, хатоликка йўл қўйган. Судлов ҳайъати туман судининг 2019 йил 17 майдаги Ф.Каримов-га нисбатан чиқарилган ушбу ажримини бе-кор қилиб, туман ИИО пробақия гуруҳининг тақдимномасини қаноатлантирмасдан қол-диришни лозим топган.

Ш. КАМОЛОВ,
жиноят ишлари
бўйича Навоий вилоят суди
раиси ўринбосари

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРНИНГ ҲУКМ, АЖРИМ ВА ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ

Одил судлов вазифаларининг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат мазкур органлар томонидан ҳуқуқ нормаларига оғишмай риоя этилишига, балки улар томонидан чиқарилган ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорларнинг ижро этилишига узвий боғлиқдир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 12-бўлим 58-бобида ҳукм, ажрим ва қарорларни ижро эттириш билан боғлиқ нормалар акс эттирилган.

Шунингдек, ҳукм, ажрим ва қарорларни ўз вақтида тез ва сифатли ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан амалга оширилиб, уларнинг фаолияти «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида амалга оширилади ва улар учун ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Ҳукм, унинг устидан апелляция шикоятни бериш ва протест билдириш муддати ўтиши билан қонуний кучга киради. Апелляция шикоятни берилган ёки протест билдирилган тақдирда ҳукм, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори суд кўриб чиққан куни қонуний кучга киради. Ҳукм қонуний кучга кирган ёки иш апелляция инстанцияси судидан қайтарилган кундан бошлаб уч кундан кечикмай, ҳукм чиқарган суд томонидан ижро эттирилади.

ЖПКнинг 530-моддасида суд ажрими,

қарорининг қонуний кучга кириши ҳамда уларни ижро этиш асослари келтирилиб, унга кўра биринчи инстанция судининг ажрими шу ажрим устидан апелляция тартибида хусусий шикоят бериш ва хусусий протест билдириш муддати ўтиши билан ёхуд шикоят ёки протест билдирилган тақдирда, иш юқори судда кўриб чиқилганидан кейин қонуний кучга киради ва ижро этилади, деб белгиланган.

Суднинг шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин бўлмаган ажрими шу ажрим чиқарилиши биланоқ дарҳол кучга киради ва ижро этилади. Жиноят ишини тугатиш ҳақидаги суд ажримининг айбланувчини, гумон қилинувчини ёки судланувчини камокдан ёки уй қамоғидан озод қилишга оид қисми дарҳол ижро этилиши лозим. Кассация ёки назорат инстанцияси судининг ажрими (қарори) у эълон қилинган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради.

ЖПКнинг 531-моддасида ҳукми, ажримни ва қарорни ижро эттириш тартиби баён этилган бўлиб, ҳукм, ажрим ва қарорни ижро эттириш уларни қабул қилган суд зиммасига юклатилади, ҳукми ижро этиш тўғрисида фармойиш судья ёки суд раиси томонидан ҳукми ижро этиш мажбурияти юклатилган органга ҳукмнинг нусхаси билан биргаликда юборилади. Иш апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилганда ҳукм ўзгартирилган бўлса, ҳукм нусхасига апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судининг ажрими

ёхуд қарори нусхаси илова қилиниши белгиланган.

Ҳукми ижро этувчи органлар унинг ижро этилганлиги ҳақида ҳукми чиқарган судга дарҳол хабар беради. Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкум жазони қаерда ўтаётгани ҳақида ҳукми чиқарган судга хабар бериши шарт. Суд қарорини ўз вақтида ёки тўла бажармаслик қонун ҳужжатларига биноан жавобгарликка сабаб бўлади. Қонуний кучга кирган ҳукмнинг нусхаси зарур ҳолларда матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка маълум қилинади. Суд маҳкумни ҳарбий унвонидан ёки махсус унвонидан маҳрум этиш тўғрисида қарор чиқарган бўлса, суд ҳукмнинг нусхасини ижро этиш учун ана шу унвонни берган органга юборади. Суд давлат мукофотлари билан тақдирланган ёки олий ҳарбий ёхуд махсус унвонга эга бўлган шахсга нисбатан айблов ҳукмини чиқаришда уни ана шу мукофотлар ёки унвонлардан маҳрум этиш тўғрисида тегишли органга тақдимнома киритишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал қилади.

Суд қарорининг жарима солишга ва бошқа мулкӣ ундиришларга тааллуқли қисмини ижро этиш учун ижро варақалари ёки уларнинг дубликатлари суд қарорининг нусхаси билан бирга биринчи инстанция суди томонидан суднинг қарори қонуний кучга кирган ёки иш апелляция инстанцияси судидан қайтарилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай маҳкумнинг яшаш жойидаги ёхуд жазони ўташ жойидаги, шунингдек маҳкумнинг мол-мулки турган жойдаги давлат ижрочиларига юборилади.

Шунингдек, қамокда сақланаётган маҳкумни озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукм қонуний кучга киргани ва ижро этирилиши ҳақида суд маҳкумнинг оиласини хабардор қилиши шарт. Суд томонидан маҳкумнинг вояга етмаган

фарзандларини муассасаларнинг, қариндошларининг ёки бошқа шахсларнинг ҳомийлигига бериш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, суд бу ҳақда болалар турган жойдаги васийлик органига, шунингдек маҳкумга хабар беради. Маҳкумнинг қаровсиз қолган мол-мулки ва турар жойини қўриқлаш чораларини кўриш зарур бўлса, суд мол-мулк ва турар жой жойлашган ердаги ҳокимликка ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилади, бу ҳақда маҳкумни хабардор этиб қўяди.

Ҳукмнинг ижросини кечиктириш ЖПКнинг 533-моддасида баён этилган. Судья озодликдан маҳрум этилган шахсга нисбатан ҳукм ижросини кўйидаги асослардан бирортаси мавжуд бўлганда кечиктириши мумкин:

- маҳкум жазони ўташига монелик қиладиган даражада оғир касал бўлиб қолганида – у соғайгунча;
- ҳукми ижро этиш пайтигача маҳкума ҳомиладор бўлиб қолса – бир йилдан ошиқ бўлмаган муддатга;
- маҳкумнинг ёш боласи бўлса – у уч ёшга тўлгунга қадар;
- жазони дарҳол ўташни бошлаш ёнғин ёки бошқа бирор табиий офат юз берганлиги, оиланинг меҳнатга яроқли ягона аъзоси оғир касал бўлиб қолганлиги, вафот этганлиги оқибатида ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар маҳкум ёки унинг оиласини жуда мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин бўлса – уч ойдан ошмаган муддатга.

Ҳукмнинг жарима солиш, фуқаровий даъвони қаноатлантириш ёки келтирилган зиённи қоплаш қисмининг ижро этилишини олти ойгача кечиктириш ёки тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини судья ишнинг муайян ҳолатларини ва маҳкумнинг моддий аҳволини эътиборга олиб ҳал қилади, ўта хавфли рецидивистларга ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларга

нисбатан ҳукмнинг ижросини кечиктириш мумкин эмаслиги белгиланган.

Ижро ҳужжатининг ижросини тез ва сифатли таъминлаш ижро этувчи органлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Ҳозирги замон талаби ва ахборот телекоммуникациялари ривожланган даврда электрон тизим орқали ижро ҳужжатларини юбориш, унинг ижросини таъминлаш, натижаси юзасидан маълумотлар киритиб бориш йўлга қўйилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Ижро ҳужжатларининг ягона электрон базасини юритади, унга интеграция қилинган тегишли маълумотлар базаси орқали ижро ҳужжатлари юборилади, агарда ижро ҳужжатида ундирувчи ёки қарздорнинг электрон почтаси ёки телефон рақами ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, ижро иши келиб тушгани ва иш юритувига қабул қилингани тўғрисидаги хабарнома электрон почтага ёки мобил алоқа воситаларига қисқа хабар кўринишида маълум қилинади.

Мажбурий ижро бюроси расмий веб-сайтида 2019 йил 1 октябрдан бепул асосда ижро ҳаракатлари амалга оширилишининг автоматлаштирилган мониторинги бўйича давлат интерактив хизмати кўрсатиш тизими жорий этилди, шу асосида ундириш қаратилган мол-мулк «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасига қўйилган пайтдан бошлаб сотилишигача бўлган ҳаракатини мониторинг қилиш имконини берувчи мол-мулк ҳисобини юритишнинг ягона электрон ахборот тизими ҳамда «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида харид қилинган мол-мулк учун электрон, шу жумладан, халқаро тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда онлайн тўлов қилиш имконияти жорий этилди.

Суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш ва ижро этишни пайсалга солишга са-

баб бўлган ҳолатлар учун ҳам жавобгарлик масаласини ҳал этишнинг асослари мавжуд. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги «Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 7-сонли қарорининг 4-бандида суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш деганда, шахс томонидан номулкий хусусиятга эга қонуний кучга кирган суд ҳужжати талабини бажаришдан бўйин товлаш бўйича қилинган ҳар қандай ҳаракат тушунилиши лозимлиги, бироқ жиноий жавобгарликка тортиш учун ушбу ҳаракат (ҳаракатсизлик) шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 198¹-моддаси бўйича маъмурий жазо чораси қўлланилгандан сўнг давом эттирилган бўлиши лозим. Бундан ташқари, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 71-моддаси талабига риоя этилиши, чунончи шахс ҳам маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши, ҳам шахс келгусида суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида давлат ижрочиси томонидан ёзма тарзда огоҳлантирилган бўлиши талаб этилиши белгиланган.

Жойларда жиноят ишлари бўйича судлар раислари ишчи гуруҳи раҳбари сифатида судлар томонидан ижрога қаратилган суд қарорлари ижросининг таъминланишини ўрганиб бориш, самарадорлигини ошириш бўйича Мажбурий ижро бюроси билан ҳар ҳафта солиштирмалар ўтказилиб, амалга оширилган ишлар кундалик назоратга олинган.

Д. КАМИЛОВ,
жиноят ишлари бўйича
Наманган вилоят
суди раиси

ОДИЛ СУДЛОВГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖтК)нинг XIV бобида одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Ушбу Кодекснинг 180-моддасида судга ҳурматсизлик қилиш, 181-моддасида суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаслик ва 182-моддасида халқ маслаҳатчисининг судга боришига тўсқинлик қилиш ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлик кўрсатилган.

МЖтКнинг 180-моддасига кўра, гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган судга ҳурматсизлик базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Одил судлов, суд органларининг нормал фаолияти ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти ҳисобланади.

Гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган хатти-ҳаракат ҳуқуқбузарликнинг объектив томонидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик амалга оширилган пайтда қонун олдида жавоб бера

оладиган, 16 ёшга тўлган шахс ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин.

Бу ҳуқуқбузарлик субъектив томонига кўра қасддан содир этилади.

«Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 68-моддасига кўра, давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллигига риоя этиши шарт.

Бу ўринда ҳуқуқбузарнинг судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиши уни очиқдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қилишида намоён бўлади.

МЖтКнинг 181-моддасида эса, мансабдор шахс томонидан суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик ёхуд ажримда (қарорда) кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида жавоб бермаслик базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши кўрсатилган.

МЖтКнинг 174-моддасига кўра, ишни кўриш чоғида давлат органининг ёки бошқа органнинг, юридик шахснинг, мансабдор шахснинг ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, суд хусусий ажрим чиқаришга ҳақли. Хусусий ажрим билан суд тегишли органдан ёки мансабдор шахсдан қо-

нун ҳужжатларининг бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ўзларининг ваколатига мувофиқ кўриб чиқишни талаб қилиши мумкин. Хусусий ажрим тегишли давлат органларига ва бошқа органларга, юридик шахсларга, мансабдор шахсларга юборилади, улар кўрилган чоралар тўғрисида бир ойлик муддатда судга хабар қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 200-моддасига кўра, ишни кўриш вақтида давлат органининг ёки бошқа органнинг, юридик шахснинг, мансабдор шахснинг ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, суд хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир. Хусусий ажрим билан суд тегишли органдан ёки мансабдор шахсдан қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ўзларининг ваколатига мувофиқ кўриб чиқишни талаб қилиши мумкин. Хусусий ажрим тегишли давлат органларига ва бошқа органларга, юридик шахсларга, мансабдор шахсларга, фуқароларга юборилади, улар кўрилган чоралар тўғрисида бир ойлик муддатда судга хабар қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 298-моддасига кўра, жиноят ишини кўриш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланганидан кейин суд хусусий ажрим чиқариб, унда тегишли давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, жамоат бирлашмаларидан, жамоалардан ёки мансабдор шахслардан ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилади.

Ушбу Кодекснинг 299-моддасига кўра, жиноятнинг сабабларини ва унинг содир

этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимнома ёки хусусий ажрим юборилган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида тегишинча суриштирувчини, терговчини, прокурорни ёки судни хабардор қилиши шарт. Тақдимнома ёки хусусий ажрим бажарилмаган ёки виждонан бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

Бундан ташқари, ушбу Кодекснинг 300-моддасига мувофиқ суриштирувчи, терговчи ёки прокурор – тақдимнома, суд эса, хусусий ажрим чиқариш йўли билан тегишли корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарини ва жамоасини жиноятнинг олдини олиш ёки уни фош этишда фуқаро юксак онглилик, жасорат кўрсатгани, ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида хабардор қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига кўра, суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 68-моддасига кўра, суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

Ушбу Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади.

Мансабдор шахс томонидан суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик ёхуд ажримда (қарорда) кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида жавоб бермаслик мазкур ҳуқуқбузарликнинг объектив томонидир.

МЖтКнинг 15-моддасига мувофиқ доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс мансабдор шахс деб эътироф этилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда лавозимга эга бўлган, раҳбарлик масъулияти зиммасига юклатилган шахсга ушбу ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин.

Субъектив томондан ҳуқуқбузарлик қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида ҳам содир этилиши мумкин.

МЖтКнинг 182-моддасига кўра, мансабдор шахснинг халқ маслаҳатчисини ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун судга боришига тўсқинлик қилиши базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Судлар фаолияти ушбу ҳуқуқбузарлик объектидир.

Мансабдор шахснинг халқ маслаҳатчисини ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун судга боришига тўсқинлик қилиши ушбу ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳисобланади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик субъекти корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда лавозимга эга бўлган раҳбар шахсларга ушбу ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин.

Маълумотларга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судлари томонидан 2017 йил июнь ойидан 2019 йил якунига қадар одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ишлар кўрилмаган.

Бундай маълумотларнинг йўқлиги ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар амалиётда мавжуд эмаслигини аниқламайди. Ҳуқуқбузар, гувоҳ, жабрланувчи, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлаганлиги судлар томонидан мажбурий келтириш ҳақидаги ажримлар чиқарилишига сабаб бўлаётганлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, судларга хусусий ажрим юборилган корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан хусусий ажримларга ўз вақтида жавоб бермаслик ҳолатлари ҳам учрайди.

Бирок, судларда бундай ҳолатларга муносабат билдириш кўникмаси шаклланмаган.

Ҳолбуки, одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш судлар фаолиятини самарали амалга ошириш имконини беради.

А. АДИЛОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
маъмурий суди раиси

МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИНГ СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига мувофиқ маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.

Ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилаётган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига эмас, балки фуқаролик суди судловига тааллуқлидир. Мисол учун, вилоят ИИБ бошлиғининг 2016 йил 12 майдаги 21-сонли буйруғи билан фуқаро М.А. ички ишлар органларидан хизматдан бўшатирилган.

Шу сабабли, М.А. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, вилоят ИИБ бошлиғининг буйруғини қонунга мувофиқ эмас деб топишни ва вилоят ИИБ бошлиғи зиммасига уни бекор қилиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг

қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд Пленумининг 2018 йил 19 майдаги «Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қароридан, агар ариза маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ёки унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ғайриқонуний деб топиш тўғрисида берилган ёхуд ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилаётган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига тааллуқли эмаслиги тўғрисида тўғри қарор берилган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 108-моддасига асосан суд иш маъмурий судга тааллуқли бўлмаса, иш юритишни тугатади.

Шу сабабли, судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, аризачининг талаби маъмурий суд судловига тааллуқли бўлмаганлиги учун иш бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

Фуқаронинг ёки юридик шахснинг аризаси (шикояти) қарорлари, ҳаракатлари

(ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган маъмурий орган жойлашган ер ёхуд мансабдор шахснинг иш жойи бўйича судга тақдим этилади.

Қайд этиш жоизки, Олий суд Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги «Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорида назарда тутилган тушунтиришлар маъмурий судлар томонидан давлат органлари ёки улар мансабдор шахсларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар бўйича ишларни кўришда қонун нормаларини аниқ ва бир хилда қўллашга қаратилган.

Хусусан, ушбу қарорнинг 2-бандида суд амалиётида қонун ҳужжатлари турлича талқин этилишининг олдини олиш мақсадида «маъмурий органлар» тушунчасига изоҳ берилган. Жумладан, маъмурий органлар деганда, давлат бошқарув органлари (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатида кўрсатилган вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, қўмиталар, марказлар, инспекциялар) ва уларнинг ҳудудий органлари, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа органлар ва маъмурий-бошқарув ваколати берилган махсус ташкил этилган комиссиялар тушунилади.

Шунингдек, қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг ўзи кимлигига аниқлик киритиш мақсадида, қарорда

«мансабдор шахс» тушунчасига ҳам таъриф берилган.

Яъни, Пленум қарорига кўра, маъмурий органларнинг мансабдор шахслари деганда, ҳокимият вакили вазифасини бажарадиган ёхуд мазкур органларда маъмурий-бошқарув (маъмурий-хўжалик) вазифасини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар тушунилади.

Манфаатдор шахс эса, маъмурий органнинг қарори ёки унинг мансабдор шахси ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қаратилган фуқаро ёки юридик шахс ёхуд қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа шахсдир.

Шунингдек, қарорда манфаатдор шахслар ҳақиқий эмас деб топишни сўраётган қарорлар сирасига қандай ҳужжатлар кириши ва уларнинг шакли юзасидан ҳам тушунтиришлар берилган. Қарорлар деганда, яқка тартибда ва ҳайъат томонидан қабул қилинган маъмурий органларнинг ҳужжатлари, таъсир чоралари мавжуд бўлган, оммавий ҳуқуқни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳамда алоҳида жисмоний шахслар ёки юридик шахслар ёхуд муайян индивидуал белгиларга кўра, ажралиб турувчи шахслар гуруҳига маълум бир ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтирувчи қарорлар таркибига маъмурий органларнинг, улар мансабдор шахсларининг шахсан ёки жамоавий равишда қабул қилинадиган, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни яратишга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний шахслар ёки юридик шахслар ёхуд ай-

рим индивидуал белгиларга кўра, ажралиб турувчи шахслар гуруҳига таъсир чораларини ўз ичига олувчи ҳужжатлар киради. Бунда, қарорлар ҳам белгиланган шаклда (мисол учун, жойларда ижро ҳокимияти органларининг қарорлари), ҳам ихтиёрий шаклда (масалан, мансабдор шахснинг фуқаронинг мурожаатини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ёзма хати) қабул қилиниши мумкин.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 23-бобида кўра, қайд этилган органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарор шаклида бўлмаса ҳам, манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига олиб келадиган ёхуд ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган юридик аҳамиятга эга қарорлари мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатидир. Ҳаракатсизлик эса маъмурий орган, унинг мансабдор шахси зиммасига ушбу органлар ва мансабдор шахсларнинг ваколатларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар (лавозим йўриқномалари, низомлар, қоидалар, буйруқлар) билан юкланган мажбуриятни бажармасликдир.

Маъмурий органнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида бўлинмасига нисбатан шикоят келтирилганда суд Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 42-моддаси қоидаларига биноан, тегишли органни жавобгар сифатида жалб қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши, агар иш мазмунан кўриб чиқилгунга қадар маъмурий орган қайта ташкил этилган ёки тугатилган бўлса, суд унинг ҳуқуқий воқисини ёхуд аризачининг бузилган ҳуқуқ

ва эркинликларини тиклаш ваколатига эга ташкилотни ишда иштирок этиш учун жалб этиши, агар иш кўриб чиқилаётган вақтда қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) бўйича шикоят қилинган шахс мансабдор бўлмаса, суд ушбу лавозимни эгаллаб турган шахсни ёхуд аризачининг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ваколатига эга тегишли ташкилотни ишда иштирок этиш учун жалб қилиши лозим.

Суд ҳар бир иш бўйича аризачи томонидан судга мурожаат қилишда қонуний муддатга риоя қилинганлигини аниқлаши керак. Агар бу муддатлар бузилган бўлса, манфаатдор шахс мурожаат қилган-қилмаганлигидан қатъи назар, муддатларни ўтказиб юбориш сабаблари муҳокама қилиниши талаб этилади.

Судга мурожаат қилиш муддати: аризачи ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг бузилганлиги; ҳуқуқлари, эркинликларини амалга оширишга ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга тўсиқлар вужудга келтирилганлиги; зиммасига қонунга хилоф равишда бирон-бир мажбурият юкланганидан хабар топган куннинг эртасидан бошланади.

Суд қарорларининг ижроси юзасидан судларнинг ўзи назорат олиб бориши ва қарорлар ижро этилгани тўғрисида ижро органининг маълумотномалари мавжуд бўлмаганда, уларни талаб қилиб олиш зарур.

Х. ДАВЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби
магистранти

ШАРТНОМАВИЙ ИНТИЗОМНИ БУЗИШ ОҚИБАТЛАРИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб, мулкдорлар сафи кенгайиб бормоқда. Шартномавий-ҳуқуқий муносабатларда тадбиркорларга берилаётган ёрдам бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

Маълумки, шартнома икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувидир.

Шартнома шартларини лозим даражада бажармаган тараф бунинг оқибатида келиб чиққан зарарни қоплашга мажбурдир.

Зарар деганда, шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади (Фуқаролик кодекси 14-моддасининг иккинчи қисми).

Баъзи юридик адабиётларда қайд этилишича, зарар таркиби ҳақиқий зарар ва бой берилган фойдадан иборат бўлади. Ҳақиқий зарар шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари ёхуд шахс тасарруфида бўлган мулкнинг йўқотилиши ёки унга шикаст етишидир. Бой берилган фойда эса, фуқаролик муомаласи шароитида олиниши мумкин бўлган, лекин олинмай қолган даромаддир.

Олинмай қолган даромаднинг миқдори (бой берилган фойда), мажбурият бажарилганида кредитор қилиши лозим бўлган оқилона харажатларни ҳисобга олиб аниқланиши шарт. Мисол учун, бутловчи буюмларни етказиб бермаслик оқибатида олинмай қолган даромад тарзидаги зарарни қоплаш ҳақидаги талаб бўйича бундай даромаднинг миқдори ушбу товарларнинг харидорлари билан тузил-

ган шартномада назарда тутилган тайёр маҳсулотларни сотиш баҳосидан келиб чиққан ҳолда, етказиб берилмаган хом ашё ёки бутловчи буюмлар қиймати, транспорт-тайёрлаш харажатлари ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни чегириб ташлаш йўли билан аниқланиши зарур.

Ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойданинг бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Мисол учун, 2019 йил 5 июлда «Диёр» фермер хўжалиги (даъвогар) ва «Замин» масъулияти чекланган жамияти (жавобгар) ўртасида тузилган шартномага кўра, жавобгар даъвогарга помидор маҳсулотини қайта ишлашга ихтисослашган ускунани 2019 йил 5 августга қадар етказиб бериш, фермер хўжалиги эса ускунани қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган. Шартноманинг 2.1-бандида ускунанинг баҳоси 86 000 000 сўм қилиб белгиланган. Ушбу маблағ шартнома тузилганидан сўнг 5 кун ичида етказиб берувчи (жавобгар)нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилиши, ускуна эса буюртмачи (даъвогар) ҳисоб рақамидан шартномада кўрсатилган пул тўлиқ келиб тушганидан кейин 20 кун ичида етказиб берилиши шартлиги белгиланган.

Даъвогар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилган. 76 000 000 сўм маблағ

шартнома тузилган вақтдан бошлаб 5 кун ичида жавобгарнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилган.

Бироқ, жавобгар ўз мажбуриятларини бажармаган, яъни ускунани фермер хўжалиги (даъвогар)га шартномада белгиланган муддатда етказиб бермаган.

Даъвогар 10 га майдонга помидор эккан ва маҳсулот 2019 йил 20 августда пишиб етилган. Даъвогар етиштирилган помидорни ускуна ёрдамида қайта ишлаб, томат ишлаб чиқаришни режалаштирган. Аммо, ускуна жавобгар томонидан етказиб берилмагач, у ўз помидорини қайта ишлай олмаган. Ваҳоланки, даъвогар томонидан 9 000 кг помидор етиштирилган. Шу сабабли, даъвогар етиштирган помидор маҳсулотини сотишга ҳаракат қилган ва 3 000 кг маҳсулотни сотган. Қолган 6 000 кг помидор истеъмол учун яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Бу ҳақда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, Фермерлар кенгаши ва даъвогар вакиллари иштирокида далолатнома тузилган.

Туманда жойлашган деҳқон бозорининг маълумотномасига кўра, 2019 йилнинг июль-август ойларида 1 кг помидорнинг бозор баҳоси 2 500 сўмни ташкил этган.

Шу боис, даъвогар жавобгардан 76 000 000 сўм асосий қарз, ускуна ўз вақтида етказиб берилмаганлиги учун 38 000 000 сўм пеня ҳамда 15 000 000 сўм зарарни ундиришни сўраган.

Даъво аризасига илова қилинган ҳисоб-китоб ҳужжатларидан кўринишича, жавобгар томонидан ускуна ўз вақтида етказиб берилмаганлиги учун «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига асосан ҳар бир кечиктирилган кун учун ускуна баҳосининг 0,5 фоизи миқдоридан, аммо етказиб берилмаган ускуна қийматининг 50 фоизидан ошиб кетмайдиган қийматда, яъни 38 000 000 сўм пеня ҳисобланган, зарар суммаси эса истеъмол учун яроқсиз ҳолатга келган 6 000 кг помидорнинг ҳар бир килограмми учун 2 500 сўмдан келиб чиқиб ($6\,000 \times 2\,500 = 15\,000\,000$) ҳисобланган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан 76 000 000 сўм асосий қарз,

7 600 000 сўм пеня ва 7 400 000 сўм зарар ундирилган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 8.2-бандида ускуна ўз вақтида етказиб берилмаганлиги учун ҳар бир кечиктирилган кун учун ускуна баҳосининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлаши, аммо етказиб берилмаган ускуна қийматининг 10 фоиздан ошиб кетмаслиги белгиланган.

Шу боис, суд даъво талабининг пеня ундириш қисмини 7 600 000 сўмга қаноатлантирган.

Қайд этиш жоизки, ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган (кичик ёшдаги бола) томонидан етказилган зарар учун унинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийлари, агар зарар боланинг айби билан етказилмаганини исботлай олмасалар, жавобгар бўладилар.

Шу билан бирга суд ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ота-онага уларнинг вояга етмаган болалари томонидан ота-онаси ўз ҳуқуқларидан маҳрум қилинганидан кейин уч йил ичида содир этилган зарар учун, агар боланинг зарар етказилишига сабаб бўлган хулқ-атвори болани тарбиялаш бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликларининг оқибати бўлса, жавобгарликни юклаши мумкин.

Уй ҳайвони томонидан етказилган зарар учун унинг мулкдори ёки бу ҳайвонга эгалик қилувчи ва ундан фойдаланувчи шахс умумий асосларда жавобгар бўлади.

Зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қаноатлантирар экан, суд иш ҳолатларига мувофиқ равишда етказилган зарар учун жавобгар шахсга зарарни аслича қоплаш (ўшандай турдаги ва сифатдаги ашёни тақдим этиш, шикастланган ашёни тузатиш ва ҳоказо) ёки етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини юклайди.

Маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қуйидаги ҳолларда қопланади:

– зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса;

– зарар фуқарога уни қонунга ҳилоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга ҳилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга ҳилоф

тарзда қўллаш, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўллаш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса;

– зарар ор-номус, кадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эйтиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса (мисол учун, газета ёки Интернет орқали унга нисбатан туҳмат ишлатилса);

– қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Маънавий зарар пул билан қопланади.

Маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқиллик ва адолат талаблари эйтиборга олинishi лозим.

Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади.

Маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъи назар, қопланади.

Шуни ҳам қайд этиш ўринлики, жисмоний шахсларга берилган ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун мазкур шахсларнинг хоҳишига кўра туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарори билан аввалги ер участкаси билан айнан бир хил ер участкаси ажратилгач, шу ер участкаси олиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олиб қўйилаётган ер участкасининг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб берганидан кейин ёки ушуб бино – иншоотларни бозор нархи ҳамда Ер кодексининг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарарлар (шу жумладан, бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкин (Ер кодекси 41-моддасининг тўртинчи қисми).

Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган фермер хўжалигида маблағ бўлмаган ёхуд етарли бўлмаган тақдирда, ундирилиши ло-

зим бўлган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун 35-моддасининг учинчи қисми).

Давлат органлари ва бошқа органлар ёхуд мансабдор шахсларнинг юридик ва жисмоний шахслар фаолиятига асоссиз аралашуви натижасида уларга етказилган зарарнинг ўрни, шунингдек бой берилган фойда ҳамда етказилган маънавий зиён суд тартибида қопланиши ёки компенсация қилиниши керак.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принципларидан бири тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлигидир. Хўжалик шартномаси тарафлари тузилган шартномалар бўйича зиммаларига олган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.

Неустойка (жарима, пеня) тўлаганидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди. Бу тадбиркорлик субъектлари ўртасида бўладиган муносабатларни мустаҳкамлаш учун қабул қилинган ниҳоятда аҳамиятли юридик қоидадир.

Кўрилган зарарга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги муносабати билан тараф қилган харажатлар, мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиши, шунингдек, агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлар киради.

Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома мажбуриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойкани (жаримани, пеняни) тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тарафларни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди. Қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Н. ЮСУПОВ,
Жомбой туманлараро
иктисодий суди раиси

ГАРОВ ШАРТНОМАСИ

Инсонлар бир-бирларидан пул ва бошқа қимматликларни қарзга ола бошлаган пайтлардан оқ мажбуриятлар, жумладан, «гаров» тушунчаси пайдо бўлган.

Мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закат хамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

Гаров бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши ҳисобланади. У мажбуриятлар ижросини таъминлаш воситаларидан биридир. Унинг ижро механизми эса, қарздор мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда унга бирор-бир нарсани қарз сифатида берган шахсга бундан энг кам миқдорда моддий зиён кўриш ва ҳатто, баъзан фойда кўриш имконини ҳам берган.

Ўзбекистонда жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги гаров муносабатлари Фуқаролик кодексининг 264–289-моддалари, «Гаров тўғрисида»ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

«Гаров тўғрисида»ги Қонунга кўра, ҳақиқий бўлган ҳар қандай мажбуриятнинг: заём – банк кредити, ижара, олди-сотди, юкларни ташиш ва ҳуқуқнинг ҳар қандай субъектлари ўртасидаги бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши гаров билан таъминланиши мумкин.

Гаров мулкларига кўчмас мулклар (уй-жойлар, савдо дўконлари, бино-иншоотлар ва ҳоказо) ва кўчар мулклар (автотранспорт воситалари, ускуналар ва ҳоказо) қиради.

Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёхуд, башарти шартнома нотариал тасдиқланиши шарт бўлса, нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганда эса, у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Предмети ер билан боғлиқ кўчмас мулк бўлган гаров ипотека дейилади. Кўчмас мулк эса турли бинолар, иморатлар, хусусий уйлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг хусусийлаштирилган кўп қаватли уйлардаги хонадонлари ва бошқалардан иборат.

Кредит муносабатларида асосий таъминловчи воситалардан бири бўлмиш гаров аҳоли ва юридик шахсларнинг молиявий маблағлари кредитга муҳтож хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларга эркин, фаол йўналтирилишини таъминлашда ҳал қилувчи ўринда туради, шунингдек молия-кредит тизимининг ривожланиши ҳамда муваффақиятли фаолият юритишига хизмат қилади.

Гаров гаровга кўювчи ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда гаровга олувчининг талабларини қондириш мақсадида белгиланади ва гаровга олувчига гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан унинг талаби бошқа кредиторларга қараганда имтиёзли равишда қаноатлантирилиш ҳуқуқини беради. Бу восита гаровга олувчига ўз маблағларини бошқа кредиторлардан олдин ундириш борасида имтиёз ҳуқуқини беради. Бундан келиб чиқадики, гаров мавжуд бўлган мажбурият муносабатларида, аввало, гаровга олувчининг талаблари, ундан кейин эса бошқа кредиторларнинг талаблари қондирилиши лозим. Гаровнинг афзаллиги яна шундаки, агар гаров билан таъминланган

мажбуриятни қоплаш учун гаров суммаси етмаса, қолган суммани қарздорнинг бошқа мулклари ҳисобидан ундириш учун имкониятлар яратилади.

Кредит муносабатларида таъминлаш воситаси ҳисобланган гаров институти бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчидан, гаров ҳуқуқи бегона мол-мулкка нисбатан ҳуқуқни билдиради.

Иккинчидан, гаров асосий мажбуриятнинг ҳосиласи ҳисобланади. Ушбу ҳосилалик асосий мажбурият мавжуд бўлгандагина амал қилади. Асосий мажбурият бўлмаганда, гаров институти ҳам қўшимча мажбурият сифатида вужудга келиши мумкин эмас.

Учинчидан, гаров асосий мажбуриятга боғлиқ бўлади ва бу боғлиқлик тегишли қонунчилик билан тартибга солинган.

Гаров шартномасининг яна бир афзаллиги шундаки, унга биноан тараф гаров нарсасини алмаштиришга, агар гаров нарсаси нобуд бўлган ёки шикастланган ёхуд унга бўлган мулк ҳуқуқи ёки хўжалик юритиш ҳуқуқи қонунда белгиланган асосларга кўра бекор қилинган бўлса, гаровга қўювчи оқилона муддатда (низо чиққан тақдирда эса, суд белгилаган муддатда) гаров нарсасини тиклашга ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уни тенг қийматли бошқа мол-мулк билан алмаштиришга ҳақли ҳисобланади.

«Ипотека тўғрисида»ги Қонун ва Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 131-бандига асосан ипотека (гаров) нарсасини алмаштириш зарурати туғилган ҳолларда ипотека (гаров) нарсасини ипотека (гаров)га олувчининг розилиги билан алмаштиришга йўл қўйилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гаров шартномаси ишончнинг мустаҳкам пойдеворидир. Шундай экан, бу пойдеворнинг амалдаги қонунчилигимиз асосида янада мустаҳкамланиши муаммо, тортишувларга барҳам беради, манфаатларга путур етишининг олдини олади.

Томонлар бир-бирининг олдидаги мажбуриятини тўла бажарганидан кейин қарз берувчи иккинчи тарафга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини нотариусга ёзма равишда маълум қилади. Айни вақтда гаровга қўйилган мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш чораси олиб ташланади.

Уй-жой (унинг муайян қисмини), дала ҳовли, квартира, гараж ва бошқаларни гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар нотариал тартибда тасдиқланиши шарт. «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддасига кўра, бундай битимлар шу мол-мулк жойлашган ҳудудда расмийлаштирилади. Ҳозирги вақтдаги нотариал амалиётда жисмоний шахслар ўртасида ҳам шартнома тузиш ҳоллари учраб туради. Ипотека шартномасини тасдиқлатиш учун ҳуқуқни тасдиқловчи ва маълумот тарзидаги ҳужжатлар жамламасини тақдим этиш лозим. Яшаш жойини гаровга қўйиш учун унда истиқомат қилувчи барча оила аъзоларининг розилиги ёзма равишда олинган бўлиши ҳам керак.

Нотариус томонлар ўртасидаги гаров шартномасини ўз муҳри ва имзоси билан тасдиқлар экан, қонунга биноан кредиторнинг ҳуқуқи юридик жиҳатдан ҳимоя қилиниши хусусида қайғуриши шарт. Гаровга қўйилган мулкни бошқага ўтказиш муқаррар равишда тақиқланади, у вақтинча олди-сотди, алмаштириш, ҳадя ва гаровга олувчининг розилигисиз ижара предмети бўла олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик кодексини татиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида» 1999 йил 24 сентябрдаги 16-сонли қарорига кўра, бино ёки иншоот ипотекасига айни бир вақтнинг ўзида ўша шартнома бўйича шу бино ёки иншоот жойлашган ер участкасини ёхуд бу участканинг гаровга қўйилаётган объект ишлашини таъминлайдиган қисмини ёки гаровга қўювчига қарашли бўлган ушбу участкани ёхуд унинг тегишли қисмини ижарага олиш ҳуқуқини бир вақтда ипо-

текага қўйган тақдирдагина йўл қўйилади. Бунда, бино ёки иншоотни гаровга берувчи шахс тегишли ер участкасининг эгаси ёки ижарага олувчи бўлиши шарт.

Бундай шахс ипотека шартномаси бўйича фақат бино ёки иншоотни гаровга бераётган бўлса, ер участкаси ёхуд ижара ҳуқуқи гаров предмети бўлиб ҳисобланмаса, бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳисобланади.

Агар бино ёки иншоотни гаровга берувчи ер участкасининг эгаси ёки ижарачиси ҳисобланмаса, ипотека шартномаси Фуқаролик кодекси 272-моддасининг тўртинчи қисмига асосан қонунчиликка мувофиқ эмас деб ҳисобланмайди. Гаровга қўювчининг ҳуқуқи, ундирув гаровга қаратилган бино ёки иншоотга қаратилган ҳолларда сотиб олувчининг ер участкасига нисбатан ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 22-моддасига асосан белгиланади. Унга кўра, корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки уларни оператив бошқариш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ана шу объектлар билан биргаликда мазкур объектлар жойлашган ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

Қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятини бажармаган ҳолларда гаровга олувчи бошқа кредиторларга нисбатан гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан ўз талабини қондиришда устун ҳуқуққа эга.

Амалдаги қонунлар гаров нарсаи ҳисобланган мол-мулкни гаровга олувчининг эгалигига бериш мумкинлигини назарда тутмайди. Бундай эгаликка олиб беришни назарда тутган ҳар қандай келишув ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

Фуқаролик кодексининг 279-моддасига кўра, гаровга олувчи (кредитор) гаров билан таъминланган мажбуриятини қарздор бажармаган тақдирда, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақли. Га-

ровга қўйилган мол-мулкни сотиш имкониёти бўлмаган тақдирдагина гаровга олувчи (кредитор) бу мол-мулкни Фуқаролик кодексининг 281-моддасида белгиланган тартибда ўз эгалигига олиши мумкин.

Гаровга олувчининг талаби бўйича ундирувни гаровга қўйилган кўчмас мулкка қаратиш суднинг қарорига мувофиқ амалга оширилади ва нотариуснинг ижро ёзувига асосан амалга оширилиши мумкин эмас.

Гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга ундирувни гаров нарсаига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан нотариал тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади.

Гаров шартномасида гаровга олувчининг ундирувни гаровдаги мол-мулкка судга даъво қўзғатмасдан қаратиш ҳуқуқи кўрсатилганлиги ҳақиқий эмас деб топилиши лозим.

Шу билан бирга, бундай шартноманинг нарсаи фақат кўчар мол-мулк бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, шартнома гаров нарсаига ундирувни қаратиш тартиби ҳақидаги шартлар кўрсатилмаган бўлса, ундирув гаровга олинган кўчар мол-мулкка қаратилиши ҳақидаги қоида татбиқ қилинишидан келиб чиқиш керак.

Гаровга қўювчи томонидан мажбурият бартараф қилиб бўлмайдиган куч таъсири билан боғлиқ ҳолда бажарилмаган бўлса, ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратиш мумкин эмас.

Мажбуриятнинг тарафи ҳаракатларига боғлиқ бўлган ҳолатлар (масалан, қарздорда зарур бўлган пул маблағларининг йўқлиги, унинг вакилларининг ғайриқонуний ҳаракатлари) бартараф қилиб бўлмайдиган куч деб тан олиниши мумкин эмас.

Б. АБРОРОВ,
фуқаролик ишлари
бўйича Фарғона
вилоят суди судьяси

ДАЪВО МУДДАТИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, фуқаролик ҳуқуқлари ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, тегишли суд томонидан ҳимоя қилинади.

Шахслар ўзларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган даъво муддати давомида судга тегишли тартибда мурожаат қилсалар, улар ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 12-боби даъво муддатига бағишланган бўлиб, унда даъво муддати тушунчаси, умумий ва махсус даъво муддатлари, даъво муддатларини қўллаш, ушбу муддатнинг ўта бошлаши, тўхтатилиши, даъво муддати қўлланилмайдиган талаблар ҳамда ушбу масалага оид бошқа қоидалар ўз ифодасини топган.

ФКнинг 149-моддасига кўра, даъво муддати шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ФКдаги ушбу модданинг ўзбек тилидаги таҳрири рус тилидаги таҳриридан фарқ қилиб, модданинг рус тилидаги таҳририда «даъво муддати шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво тақдим этиш йўли билан (путем предъявления иска) ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир», деб баён этилган.

Ваҳоланки, процессуал қонун ҳужжатларига асосан ҳуқуқи бузилган шахс судга даъво аризаси ёки ариза тақдим этади ва ушбу ариза асосида суд томонидан иш қўзғатилади. Яъни,

ҳуқуқи бузилган шахс даъво қўзғатиш йўли билан эмас, балки ўз ҳуқуқини судга даъво бериш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин.

Шунинг учун, фикримизча, ФК 149-моддасининг рус ва ўзбек тилларидаги матнларидаги номувофиқликни бартараф этиш лозим.

Амалиётда ҳуқуқи бузилган шахснинг нафақат ўзи, балки прокурор, давлат органлари ва бошқа органлар томонидан ушбу шахс манфаатида берилган даъволар ҳам ҳуқуқи бузилган шахс томонидан берилган даъво сифатида қабул қилинади. Лекин, юқорида қайд этилган модданинг мазмунига эътибор берадиган бўлсак, даъво фақат ҳуқуқи бузилган шахс томонидан берилиши мумкинлиги ҳақида фикр туғилади.

Бизнингча, даъво фақат ҳуқуқи бузилган шахс томонидан эмас, балки унинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида бошқа шахс томонидан ҳам берилиши мумкинлигини инобатга олиб, мазкур моддада белгиланган қонунда янада аниқроқ баён этиш, яъни даъво қонун билан ваколат берилган бошқа шахс томонидан ҳам берилиши мумкинлигини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида»ги 12-сонли қарорининг 2-бандида Меҳнат кодексининг 270-моддасида белгиланган муддатлар прокурор, касаба уюшмаси кўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органлари томонидан бериладиган даъволарга нисбатан ҳам татбиқ қилиниши ҳақида тушунтириш берилган.

ФКнинг 150-моддасида умумий даъво муддати 3 йил деб белгиланган.

ФКнинг 151-моддасида айрим турдаги талаблар учун қонунларда умумий даъво муддатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус даъво муддатлари белгиланиши мумкинлиги қайд этилган. Жумладан, ишга

тиклаш ҳақидаги талабларга нисбатан қисқартирилган даъво муддатлари қўлланилади.

Даъво муддатини қўллаш тартиби ФКнинг 153-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъи назар, судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Қонунда умумий ёки махсус даъво муддатининг белгиланиши ҳуқуқи бузилган шахснинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини чекламайди. Шахс даъво муддати тугагандан кейин ҳам судга мурожаат қилиши мумкин. Суд тақдим этилган аризани иш юритишга қабул қилиш пайтида ёки ишни кўриш жараёнида мазкур талаб бўйича даъво муддати ўтганлигини аниқласа-да, уни ўз ташаббуси билан қўллашга ва ушбу асос билан даъво аризасини қабул қилишни рад этишга ёки кайтаришга ёхуд даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад этишга ҳақли эмас. Чунки, қонунга кўра, даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланади. Қонунда даъво муддатини қўллаш ҳақидаги ариза даъвогар ёки жавобгар томонидан берилиши аниқ кўрсатилмаган. Аксарият ҳолларда бундай ҳуқуқдан жавобгар фойдаланади.

Мисол учун, даъвогар Д.У. жавобгар Самарқанд вилоят ички ишлар бўлимига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақини, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Биринчи босқич суди даъво аризасини мазмунан кўриб чиқиб, амалдаги қонунда ишга тиклаш ҳақидаги низолар бўйича бир ой муддат ичида мурожаат этиш назарда тутилганлиги, аммо даъвогар томонидан ушбу даъво муддати узрли сабабларсиз ўтказиб юборилганлиги боис, даъвои рад қилиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Юқоридаги ҳолатда даъво муддати ўтганлиги ва жавобгар томонидан даъво талабига нисбатан даъво муддатини қўллаш сўралганлигини инобатга олиб, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясининг 2019 йил 23 июлдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қарши даъво тақдим этиш даъво тақдим этишнинг умумий қоидалари бўйича амалга оширилиши сабабли, унга нисбатан ҳам даъво муддатига оид қоидалар қўлланилади. Яъни, ўзига нисбатан қарши даъво тақдим этилган даъвогар (қарши даъво бўйича жавобгар) даъво муддатини қўллаш ҳақида ариза бериши мумкин ва ушбу аризанинг асослилиги қарши даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлади.

Қонунда даъво муддатини қўллаш ҳақидаги ариза қандай шаклда берилиши аниқ кўрсатилмаган. Фикримизча, бундай ариза ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклда берилиши мумкин. Оғзаки берилган ариза суд мажлиси баённомасида, албатта, кўрсатилиши ва муҳокама қилиниши керак.

Амалиётда даъво муддатини қўллаш ҳақидаги ариза низодаги тараф эмас, балки ишда иштирок этаётган давлат органлари ва бошқа органлар (тараф сифатида иштирок этмаётган) ёки суд томонидан ишга жалб қилинган ёхуд мустақил равишда ишга киришган учинчи шахслар томонидан ҳам берилиши ҳоллари мавжуд.

Фикримизча, ФК 153-моддасининг иккинчи қисмига кўра, бундай аризани фақатгина низодаги тараф бериши мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда, ушбу шахслар томонидан даъво муддатини қўллаш ҳақидаги ариза фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан инобатга олинмаслиги керак. Чунки, тарафлар судлов ишларини юритишда иштирок этаётган даъвогар ва жавобгар эканлиги Фуқаролик процессуал кодексида (39-модда) ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу ҳолатда процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан ишга жалб қилинган ёки алмаштирилган даъвогар ва жавобгарлар ҳам ишдаги тараф ҳисобланишини эътиборга олиш керак.

Даъво муддатини қўллаш ҳақидаги ариза фақат суд қарор чиқаргунига қадар берилган тақдирда инобатга олинади. ФКда бундай ариза айнан қайси инстанция суди томонидан қарор чиқарилгунига қадар берилиши мумкинлиги аниқ кўрсатилмаган.

Фуқаролик процессуал кодексида биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган қарор бекор қилингандан сўнг, кассация ва

назорат инстанциялари томонидан янги қарор чиқарилишига йўл қўйилади. Бу борада турлича қарашлар мавжуд. Низодаги томоннинг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги аризаси, башарти, у биринчи инстанция суди томонидан қарор чиқарилишигача бўлган жараённинг исталган босқичида тақдим этилган ва мазкур муддат ўтганлиги ишга доир материаллар билан тасдиқланган бўлса, даъвони рад этиш учун асос ҳисобланиши тўғрисидаги фикрни энг тўғри деб ҳисоблаймиз. Даъво муддати ўтганлигига ҳавола қилишга фақат ишни кейинги (апелляция, кассация ёки назорат) эмас, балки биринчи инстанция судида кўриб чиқиш жараёнида йўл қўйилиши мумкин. Бироқ, биринчи инстанция суди қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриб чиқишга йўналтирилган ҳолда даъво муддати ўтганлиги тўғрисида ариза бериш мумкин.

Даъво муддатининг қачондан ўта бошлаши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ушбу муддат ўта бошлашининг нотўғри ҳисобланиши қонун билан белгиланган даъво муддатининг узайтирилиши ёки қисқартирилишига олиб келади, бу эса низодаги тарафнинг манфаатига таъсир этиши мумкин.

Шунинг учун судлар даъво муддати ўта бошлаган кунни аниқлашга жиддий эътибор бериши лозим.

Баъзи талаблар бўйича даъво муддати ўта бошлашининг аниқ вақти ФК ёки қонунлар билан белгиланади. Бунга ФК 652-моддасининг иккинчи қисмини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ушбу нормага кўра, агар қонун ҳужжатлари ёки пудрат шартномасида пудратчининг иш сифатига кафолат бериши назарда тутилган, кафолат муддати белгиланган ва ишдаги камчиликлар хусусидаги ариза кафолат муддатида берилган бўлса, даъво кўзғатиш муддати камчиликлар хусусида ариза берилган кундан эътиборан ўта бошлайди.

ФКнинг 159-моддаси даъво муддатини тиклаш масаласига бағишланган. Унга кўра, башарти, суд даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги сабабини узрли деб топса, бузилган ҳуқуқ ҳимоя қилиниши керак. Даъво муддатини ўтказиб юбориш сабаблари даъво муддатининг охириги олти ойида, бу муддат 6 ойга тенг ёки 6 ойдан кам бўлса, даъво мудда-

тида юз берган бўлса, улар узрли деб ҳисобланиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, кўпгина хорижий давлатларда даъво муддатларини тиклаш учун узрли сабаблар даъвогарнинг шахси билан боғланган (оғир касаллик, ёрдамсиз қолиш, қонунни билмаслик ва ҳоказо).

ФКда эса, ўтказиб юборилган даъво муддатини тиклаш учун қандай сабаблар узрли деб топилиши мумкинлиги белгиланмаган. Бу эса, муддатнинг ўтказиб юборилганлиги нафақат даъвогарнинг шахси билан, балки бошқа ҳолатлар бўйича ҳам узрли деб топилиши мумкинлиги ҳақидаги хулосани беради. Давлат божи тўлашдан озод қилинмаган даъвогарнинг ҳисоб рақамига асоссиз банд солинганлиги, оқибатда унинг судга мурожаат қилиш имконияти чекланганлигини бунга мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Яна муҳим бир масала, даъво муддатини тиклаш ҳақидаги аризани судга қачон тақдим этиш билан боғлиқдир. Амалиётда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги ариза даъво аризаси билан бирга, баъзи ҳолларда эса даъво аризаси иш юритишга қабул қилингандан кейин ёки ишни суд мажлисида кўриш жараёнида ҳам берилаётганлигини кузатиш мумкин. Асосийси, ушбу ариза биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар берилиши керак. Лекин, даъвогар даъво муддатининг ўтганлигини билмаган ҳолда даъво аризаси билан судга мурожаат қилган бўлса ва жавобгар судга даъво муддатини қўллаш ҳақида ариза тақдим этса, даъвогар ушбу ариза билан, албатта, таништирилиши ва ариза юзасидан унинг фикри сўралиши керак. Бу билан, агар даъвогар даъво муддатини узрли сабаб билан ўтказиб юборган бўлса, ушбу муддатни тиклаш ҳақида судга ариза бериш имкониятига эга бўлади.

Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар ФКнинг 163-моддасида ўз аксини топган. Ушбу моддада қайд этилган даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар тугал эмаслигини эътиборга олиш керак.

Ш. РАМАЗОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Самарқанд вилоят суди судьяси

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТУЗИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Меҳнат ҳуқуқи бузилишининг асосий сабаблари иш берувчи ёки ходимнинг меҳнат қонунчилигига тўлиқ амал қилмаслиги, меҳнат шартномаси амалдаги қонунчилик талабларига жавоб бермаслиги ва баъзан кишиларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўғри тушуниб етмаслигидир.

Меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

Мазкур Кодекснинг 72-моддасига кўра, меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари ҳисобланади. Меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин. Ходим ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида, башарти, бу қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бўлса, меҳнат шартномалари тузиши мумкин.

Меҳнат шартномаси тарафлар келишуви ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Меҳнат шартномасида тарафларнинг келишуви билан қуйидагилар белгиланади:

- иш жойи (корхона ёки унинг бўлинмаси);

- ходимнинг меҳнат вазифаси – мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим;
- ишнинг бошланиш куни.

Меҳнат кодексининг 75-моддасига кўра, меҳнат шартномалари: номуайян муддатга; беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга; муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин. Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган ҳисобланади.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Унинг шакли Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган намунавий шартномани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафга сақлаш учун топширилади.

Меҳнат шартномасида тарафларнинг манзиллари кўрсатилиши шарт. Ушбу ҳужжат ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланиб, имзоланган муддати қайд этиб қўйилади, имзо корхона муҳри билан тасдиқланади.

Меҳнат кодексининг 97-моддасига бинан, меҳнат шартномаси қуйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин: тарафларнинг келишувига кўра, бунда меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин; тарафлардан бирининг ташаббуси билан; муддатнинг тугаши билан; тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган

ёки меҳнат шартномасида назарда тутилган ҳолатларга кўра; ходимнинг янги муддатга сайланмагани (танлов бўйича ўтмагани) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этгани муносабати билан.

Меҳнат кодексининг 99-моддасига мувофиқ ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддатли меҳнат шартномасини ҳам икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарида бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан, меҳнат шартномаси икки ҳафталик муддат тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, иш берувчилар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодексининг 97 ҳамда 99-моддаларини асос сифатида кўрсатишда хатоликларга йўл қўйилмоқда. Сабаби шундаки, ушбу Қонуннинг 97-моддасига кўра, меҳнат шартномасини бекор қилиш тарафларнинг келишуви, бирининг ташаббуси, муддатнинг тугаши, тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра амалга оширилади.

Меҳнат кодексининг 99-моддасига мувофиқ эса, меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимнинг ташаббуси, икки ҳафталик огоҳлантириш муддати асосий мезондир. Бу ҳолатда ходим ишдан бўшаш ҳақидаги аризасини икки ҳафта муддат давомида қайтариб олиши мумкин.

Ишдан бўшаш ҳақида ариза берилгандан сўнг икки ҳафталик муддат тугаган ва ходим меҳнат муносабатларини давом эттирган бўлса-ю, ходим бўшатишга бўлса, у ишига тикланиши лозим.

Суд амалиётида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда касба уюшмасининг розилиги олинмаслиги ҳолатлари учраб туради.

Хусусан, судга даъвогар М.А. жавобгар – туман халқ таълими бўлимига қарашли

мактабга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруғини ғайриқонуний деб топишни, уни фаррош вазифасига ишга тиклашни, мажбурий ишламаган кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундиришни сўраган.

Аниқланишича, даъвогар М.А. туман халқ таълими бўлимига қарашли мактабда 2004 йил 20 февралдан буён фаррош бўлиб ишлаб келган.

Мактаб директорининг 2019 йил 5 сентябрдаги буйруғига кўра, М.А. билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига асосан бекор қилинган.

Мазкур бандда ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлиш белгиланган.

Ушбу Кодекс 100-моддасининг учинчи қисмига кўра, ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати:

ички меҳнат тартиби қоидалари;

корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси; айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставлар билан белгиланади.

Мактаб меҳнат жамоаси умумий йиғилишининг 2019 йил 13 мартдаги баённомаси билан маъқулланган ички меҳнат тартиб-қоидаларининг 2.28-бандига кўра, ишда узр-сиз сабаблар билан 3 соат мобайнида бўлмаслик меҳнат вазифаларини бир марта бузиш ҳисобланиб, меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлади.

Мактаб директорининг 2019 йил 29 августдаги огоҳлантириш хати билан мактаб фарроши М.А. иш жараёнида меҳнат интизомига риоя қилмаганлиги, хусусан 2019 йил 11, 12, 13 июль ва 1 август кунлари ишга узр-сиз келмаганлиги сабабли, меҳнат шарт-

номаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилган.

Мактабнинг 2019 йил июль-август ойларида юритилган табелларида ҳам М.А.нинг ишга келмаган кунлари қайд этилган.

Иш берувчининг 2019 йил 23 августдаги тақдимномаси билан мактабнинг касаба уюшмаси кўмитаси раисидан М.А. билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида розилик бериш сўралган.

Касаба уюшмаси кўмитасининг жавоб хатида М.А.га нисбатан огоҳлантириш бериш лозимлиги, юқоридаги ҳолатлар такрорланса, меҳнат шартномаси бекор қилинишига розилик берилиши маълум қилинган.

Меҳнат кодекси 101-моддасининг биринчи қисмига кўра, башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик

органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Бирок, иш берувчи томонидан М.А. билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда мактаб касаба уюшмаси кўмитасининг розилиги олинмаган. Бу ҳолат мактабнинг жамоа шартномасида ҳам назарда тутилган.

Шунга кўра, суд иш берувчининг М.А. билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруғини ғайриқонуний деб топиб, буйруқни бекор қилиш ва ходимни ишга тиклаш ҳақида қарор қабул қилган.

Г. ОЛИМОВА,
фуқаролик ишлари
бўйича Сирдарё
вилоят суди судьяси

* * *

Гарчи суст юргувчи, гар чопгувчидир,
Излаган кимса магар топгувчидир.

* * *

Сен талабни устувор эт доимо –
Ки, талабдир йўллагувчи раҳнамо.

* * *

Бир ҳунарда кимса гар комил эрур,
Маънидан сувратни афзал билгай ул.

* * *

Қайда бир кўздин йироқ вайрона бор,
Унда бир ганжи ниҳон, афсона бор.

* * *

Кимда дил уйғоқ эмишдир, ул магар
Кўзни юмса, кўнгли яшнаб кўз очар.

* * *

Мавжланур қаршингда дарё ярқираб,
Сен нуқул кўпикни кўргайсен, ажаб.

* * *

Бул жаҳон мисли дарахтдир, эй киром¹,
Биз - бутуқта мевалармиз ғўру хом.

* * *

Ўлтириб бир жойда, хилватда киши,
Интизор кутганда битгайми иши?

* * *

Ёндашиб толибга, бўл толиб ўзинг,
Эргашиб ғолибга, бўл ғолиб ўзинг.

* * *

Одамий ишга баса машғул бўлур,
Боқмагай ўз ҳолига, ғофил бўлур.

Жалолiddин Румий
«Ҳикматлар» китобидан

Киром - азиз, улуг.

ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Маълумки, хусусий мулк – давлат иқтисодиётининг асосини ташкил этади. Ҳар бир давлатда хусусий мулкнинг ҳуқуқий ҳимоясига оид нормалар унинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланади.

Мамлакатимизда хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг асоси Конституциямизнинг 53-моддасида белгиланган. Унга кўра, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Хусусий мулкнинг дахлсизлиги: биринчидан, хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари давлат мулкига эга бўлган каби барча ҳуқуқий кафолатлар ва имкониятлардан кенг фойдаланишида; иккинчидан, хусусий мулк манфаатларига қаратилган ноқонуний ҳар қандай аралашиш суд ҳокимияти томонидан ҳимоя қилиниши; учинчидан, мулкдорга қарши турган барча субъектлар мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашида намоён бўлади¹.

Бундан ташқари, мулкдор ўз ҳуқуқларини ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилишга ҳақли.

Амалдаги қонун ҳужжатларида хусусий мулкнинг дахлсизлигига оид нормалар мустаҳкамланган. Шунга қарамадан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти уларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш билан боғлиқ муаммолар мав-

жудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, айрим мансабдор шахслар давлат ҳимоясида бўлган хусусий мулкнинг дахлсиз эканлигини, ҳар қандай ваз билан хусусий мулкни, шу жумладан, аввал хусусийлаштирилган мулкни олиб қўйиш, асосиз мулкни бузиб юбориш ғайри-ҳуқуқийлигини тўлиқ англаб етмаяпти, бу эса мулкдорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатларини кучайтириш ва бундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўйганлиги учун ушбу масъул шахсларнинг жавобгарлигини оширишни тақозо этмоқда.

Жумладан, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасида «...олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунга қадар йўл қўйилмайди. Мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг беқор қилинишига олиб келадиган қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор суд томонидан низо ҳал этилгунга қадар амалга оширилиши мумкин эмас», деб аниқ белгилаб қўйилган.

Мисол учун, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилишида қонун ҳужжатларига риоя этилиши ўрганилганда, ўтган икки йил ичида республика бўйича 4 689 та турар ва 1 456 та но-

турар жой бузилганлиги, ер участкаларини олиб қўйилишида айрим ҳокимликлар томонидан қонунчилик талабларига риоя этилмаганлиги аниқланган².

Амалиётда ҳанузгача хусусий мулкни ҳимоя қилишда етарлича муаммолар мавжуд. Шу боис ҳам сўнгги йилларда хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтиришга қаратилган муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5495-сонли Фармонида: давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишга фақат ер участкаси олиб қўйилиши режалаштирилаётган манфаатдор шахслар билан очиқ муҳокама ўтказилганидан, шунингдек фойда ва харажатлар баҳоланганидан кейин йўл қўйилиши; ер участкаларини олиб қўйишда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган турар жой ва ишлаб чиқариш бинолари, бошқа иморатлар ва иншоотларнинг бузилишига кўчмас мулкнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан кейин рухсат берилиши; фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига давлат органи (мансабдор шахс)нинг ноқонуний маъмурий ҳужжати қабул қилиниши оқибатида етказилган зарар давлат томонидан, биринчи навбатда, тегишли органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланиши, кейинчалик айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олинishi белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга инвестор ва тадбиркорнинг қонуний манфаатларига дахлдор бўлган маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки унга ўзгартириш киритиш фақат суд томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Илгари туман ҳокими ўзи чиқарган қарорга ўзи ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга бўлган. Бу коррупцион ҳолатларнинг пайдо бўлишига олиб келар эди. Эндиликда инвестор ва тадбиркорлар судда ўзларининг манфаатларини томонларнинг тенглиги принципи асосида ҳимоя қилиш имконияти эга бўлдилар³.

Давлатимиз раҳбарининг «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма ташкил этилди ҳамда давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилишини мазкур жамғарма билан мажбурий тарзда келишиш тартиби жорий этилди.

Яна бир муҳим ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини кўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида» 2019 йил 13 августдаги ПФ–5780-сонли Фармони билан 2020 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан

бошқасига ўтказиш, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар эгалигида бўлган, улар фойдаланадиган ва мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига берилиши белгиланди. Бу соҳада йўл қўйилаётган турли хил суиистеъмолчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шу билан биргаликда мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларини янада мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатланишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 3 августдаги Ф-5491-сонли Фармойиши қабул қилинган муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур Фармойишга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан тасдиқланган Низомда жисмоний шахсларга (якка тартибдаги тадбиркор, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар) ва юридик шахсларга (тадбиркорлик субъектлари, нодавлат ташкилотлари) эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, шунингдек инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида олиб қўйилиши ҳамда ушбу ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация

бериш тартиби белгиланди. Лекин, ушбу Низом жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Шу ўринда яна бир муҳим масала, бу мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиниш ҳолатларидир.

Иқтисодий судлар томонидан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ 2018 йилда 152 та, 2019 йилда 128 та иш кўриб чиқилган. 2019 йилда кўрилган 128 та ишнинг барчаси шартномани бекор қилиш тўғрисидаги ишлар бўлиб, бу ишларнинг 67 таси бўйича даввони қаноатлантириш, 28 таси бўйича эса даввони рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарорлари қабул қилинган, 20 та иш кўрмасдан қолдирилган ва 13 та иш бўйича иш юритиш тугатилган⁴.

Эътиборли жиҳати, киритилган давволарнинг рад этилишига давво талабида баён қилинган ҳолатлар ўз тасдиғини топмаганлиги, жумладан, жавобгар томондан бажарилмаганлиги кўрсатилган инвестиция мажбуриятлари бажарилганлиги судда ишни кўришда исботланганлиги сабаб бўлган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сонли Қарори билан барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси ҳамда «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатла-

ри тўғрисида»ги Қонун талабларига сўзсиз риоя қилишлари шартлиги ҳақида қатъий огоҳлантирилди.

Энг муҳими, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан, объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ташаббус билан чиқиш хусусий мулкнинг дахлсизлигини бузиш сифатида баҳолаши ҳамда бундай ишлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмаслигининг белгилаб кўйилганлиги ушбу соҳада қатъий сиёсий иродани акс эттирди.

Шу асосда бугунги кунда судлар томонидан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан, объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан ишлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмаяпти. Судлар томонидан мамлакатда тадбиркорликни жадал ривожлантиришга одил судлов йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш орқали кўмаклашилмоқда. Жумладан, республика иқтисодий судлари томонидан 2019 йил давомида жами 197 291 та иш кўрилган бўлиб, уларнинг 176 064 таси қаноатлантирилган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид 20 810 та иш кўрилиб, улар фойдасига 1,3 млрд. сўм ундирилган.

Шу билан бирга «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига асосан давлат органининг ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ва хусусий мулк ҳуқуқини бузадиган ҳужжати суд

томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Маълумот тариқасида, 2019 йилда маъмурий судлар томонидан 8 029 та давлат органининг қарорини ҳақиқий эмас деб топишга оид ишлар кўрилган бўлиб, уларнинг 5 158 таси, 6 537 нафар мансабдор шахс ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги ишларнинг эса 4 891 таси қаноатлантирилган. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 2 992 та қарори ҳақиқий эмас, 736 та хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қонунга хилоф деб топилган. Шунингдек, давлат органи ва мансабдор шахсининг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланганлиги сабабли, суд томонидан 3 012 та хусусий ажрим чиқарилган. Натижада 10 049 нафар тадбиркор, фуқаро ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари тикланган⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Фуқароларнинг Конституцияда белгиланган мулк ҳуқуқи дахлсиздир ва доим давлат ҳимоясида бўлади. Келгуси йил 1 январдан бошлаб ҳокимларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни олиб кўйиш бўйича ваколати Халқ депутатлари кенгашларига берилади. Шу пайтга қадар ҳокимлар ердан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган қарорларни ўзлари қабул қилар, вақти келганда эса, уларни ўзлари бекор қилиши ҳам мумкин эди. Энди ана шу ваколатни чеклашнинг фурсати етди. Чунки, бундай ваколат фақат ҳокимга берилиши турли адолатсизликларга сабаб бўлишини кўп мисоллар кўрсатмоқда. Бундай масалалар энди фақат суд тартибида ҳал қилинади»⁶, деб таъкидланди.

Мазкур фикрлар Президентимизнинг «Конституция ва қонун устуворлигини таъ-

минлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 13 декабрдаги ПҚ–4551-сонли қарорида ўз аксини топди.

Дарҳақиқат, барча ривожланган хорижий давлатларда мулкни фақат ва фақат давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш мумкинлиги ва унга адолатли компенсация тўловларини ўз вақтида тўлаш тартиби амал қилади. Бундан ташқари, компенсация тўловлари учун мулкнинг қийматини аниқлаш тартиби Парламент томонидан қонун билан белгиланган.

Илғор хорижий тажрибани ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур таҳлил қилиш асосида мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, бу борада амалиётда учраётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга ҳамда ушбу соҳадаги бошқа қонун ҳужжатларига хусусий мулк ҳуқуқи дахлсизлигини такомиллаштириш юзасидан тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ҳамда «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликларнинг ер участкаларини ажратиб бериш тўғрисида аввал қабул қилинган қарорини бекор қилиш ёки унга ўзгартириш киритиш, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар ёки бошқа давлат органи томонидан маъмурий тартиб-таомилларга риоя этилмаганлиги сабабли бекор қилиш ёки унга ўзгартириш киритиш йўли билан

ер участкаларини олиб қўйиш тақиқланади» мазмунидаги нормани киритиш мақсада мувофиқ.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация беришга оид нормаларни қонун даражасида белгилаш лозим. Қонунларнинг барқарорлиги ва уларни қабул қилиш жараёни, яъни очиқ-ошкора, кенг муҳокама қилиш асосида қабул қилиниши бунинг асосий факторларидан биридир. Жумладан, қайси мақсадларда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши мумкинлигини қонунда аниқ белгилаб қўйиш лозим.

Шунингдек, Ер кодексининг 37-моддасида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, шунингдек ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шу жумладан, муайян ҳудуднинг архитектура қиёфасини ўзгартириш ва яхшилашга қаратилган давлат дастурлари ҳамда инвестиция ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида ер участкаси ёки унинг бир қисмини олиб қўйиш ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан амалга оширилиши, мол-мулкнинг эгаси ушбу мулк олиб қўйилишига норози бўлган тақдирда, ер участкасининг олиб қўйилиши тақиқланишини белгилаб қўйиш зарур. Бу хусусий мулк дахлсизлигига оид халқаро стандартларга ва миллий ҳуқуқий тамойилларга тўлиқ мос келади.

Масалан, Буюк Британияда национализация қилинган мол-мулклар бўйича алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул

қилинган, Францияда национализация қилиш бўйича алоҳида қонун қабул қилинган бўлиб, унда национализациянинг асосий принциплари, мақсадлари, иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилиши ва назорат қилиш шакллари белгиланган.

Мулқдорнинг ўзига тегишли бўлган мулкка ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш ҳуқуқи бор экан, унинг мулки жойлашган ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун зарур бўлганда ҳам унинг мулкига бўлган қийматни ўзи белгилаши ва шу нархда сотиши, сотиш истаги бўлмаган тақдирда эса, уни мажбуран сотишга йўл қўйилмаслиги шарт қилиб белгилаб қўйилиши лозим.

Шундан келиб чиқиб, «Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида «мулк ҳуқуқидан суднинг қарорисиз маҳрум этишга ёки бу ҳуқуқни чеклашга ҳеч ким ҳақли эмас»лигини белгилаб қўйиш лозим, бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслигини назарда тутувчи 19-моддасига тўлиқ мос келади.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 17-моддасида «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш

тўғрисида»ги Қонуннинг 37 ва 38-моддалари қоидаларидан келиб чиқиб, хусусийлаштирилган, хусусий мулк бўлган ер участкасини национализация, реквизиция қилишдаги шартлар ва кафолатларни белгилаш, шунингдек 24-моддасида мол-мулкни хусусийлаштириш натижалари билан биргаликда корхоналарни (ташкilotларни) давлат тасарруфидан чиқариш натижаларининг ҳам қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилинишига йўл қўйилмаслигини белгилаб қўйиш хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини кафолатлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни бекор қилишнинг аниқ тартибини, яъни у қайси ҳолатларда халқ депутатлари Кенгашлари томонидан, қайси ҳолатларда суд томонидан ёки бошқа ваколатли орган томонидан амалга оширилишини аниқ белгилаб қўйиш лозим бўлади. Бу келажакда ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли хил тушунмовчиликларни олдини олади.

Ушбу нормаларнинг қонун даражасида белгилаб қўйилиши келгусида мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтиришга, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшиланишига хизмат қилади.

Ш. НАЗАРОВ,
мустақил изланувчи

¹ Раҳмонқулов Х., Азизов Х., Тадбиркорлик субъектлари хусусий мулк ҳуқуқининг фуқаролик-ҳуқуқий кафолатлари. Монография. Т.: 2013. – 190-бет.

² Ўзбекистонда мулк дахлсизлиги кафолатлари кучайтирилди // <http://uza.uz/oz/society/Uzbekistonda-mulk-daxlsizligi-kafolatlari-kuchaytirildi-09-08-2018>.

³ Ўзбекистонда мулк дахлсизлиги кафолатлари кучайтирилди // <http://uza.uz/oz/society/Uzbekistonda-mulk-daxlsizligi-kafolatlari-kuchaytirildi-09-08-2018>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлар фаолиятига оид статистика маълумотларидан.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлар фаолиятига оид статистика маълумотларидан.

⁶ <https://uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-qonun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019>.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК: ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Мамлакатнинг инновацион ва иқтисодий жихатдан тараққий этишида, биринчи навбатда, интеллектуал мулк объектларининг қай даражада ҳуқуқий ҳимоялангани ҳамда ҳуқуқ эгалари ҳуқуқларининг муҳофазаси таъминлангани муҳим ўрин тутади.

Шу боис, Президентимиз маданиятимиз ва санъатимизни юксалтириш, халқимизнинг руҳий маънавий дунёсини бойитиш, ёшларимизни миллий мумтоз санъатимиз дурдоналари билан яқиндан таништириш ва интеллектуал мулк муҳофазасини таъминлашга доир бошқа долзарб масалалар юзасидан муҳим ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Маълумки, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларнинг бузилиши, биринчи навбатда, фуқаролик ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланиб, бунда ҳимоянинг фуқаролик ҳуқуқий усуллари қўлланилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар билан боғлиқ муносабатлар «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги ва «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлар билан тартибга солинади.

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг 62-моддасига кўра:

- муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш;

- ижрочининг исми-шарифга бўлган ва ижрони ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз қилинишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқларини бузиш;

- ҳуқуқ эгаси ёки мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектини такрорлаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш (мустасно ҳолатлар ҳам мавжуд);

- ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;

- асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан ҳуқуқ эгаси ёки мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартнома бўйича олинган ҳуқуқларни ошириб юборган ҳолда фойдаланиш;

- ҳуқуқ эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини бошқача тарзда бузиш муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузиш деб баҳоланади.

Асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг такрорланиши ёки тарқатилиши муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузган ҳолда амалга ошириладиган нусхалари контрафакт нусхалардир.

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг бундай асарларни ва турдош ҳуқуқлар объектларини муҳофаза қилиш тўхтатилган ёки ҳеч қачон муҳофаза қилинмаган давлатлардан ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз импорт қилинадиган нусхалари ҳам контрафакт нусхалар ҳисобланади¹.

Ўз навбатида, «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунга кўра, ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи ва ўзга ҳуқуқ эгалари:

- ҳуқуқлари тан олинишини;

- ҳуқуқ бузилишига қадар мавжуд бўлган ҳолат тикланишини ва ҳуқуқни бузаётган ёки унинг бузилиши хавфини туғдираётган хатти-ҳаракатлар тўхтатилишини;

- етказилган зарар унинг миқдорига ҳуқуқбузар томонидан ғайриқонуний олинган даромад суммасини қўшган ҳолда қопланишини;

- фойда кўрган ҳуқуқбузардан етказилган зарар қопланиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқ-

дорининг тегишли суд қарори билан белгиланадиган йигирма бараваридан минг бараваригача бўлган миқдорида товон тўланишини;

- уларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилиниши билан боғлиқ қонунларда назарда тутилган ўзга чоралар кўрилишини талаб қилишга ҳақлидир.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси муаллифи ва ўзга ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини сўраб тегишли судга мурожаат этишлари мумкин. Суд ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг муаллифлик ҳуқуқи бузилган ҳолда тайёрланган нусхаларини мусодара этиш ва уларни йўқ қилиб юбориш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бундай нусхалар олишда фойдаланиладиган материаллар ва ускуналар суднинг қарори билан бюджет даромадига ўтказилиши ёхуд даъвогарнинг илтимосига биноан зарарларни қоплаш ҳисобига берилиши мумкин².

Суд томонидан ҳуқуқбузардан ундирилдиган компенсация миқдорининг қонунларда кўзда тутилмагани судларда кўп ҳолларда муаллиф (ҳуқуқ эгаси) томонидан бой берилган фойдани ундиришга қаратилган даъвосининг рад этилишига сабаб бўлмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, 2014–2018 йилларда Ўзбекистон Республи-

каси Жиноят кодексининг 149-моддаси билан кўрилган жиноят ишлари сони 26 тани ташкил этиб, уларнинг 20 таси бўйича ҳукм чиқарилган, 6 та иш тугатилган.

Таъкидлаш лозимки, Интеллектуал мулк агентлигига муаллифлар ёки ҳуқуқ эгаларидан келиб тушадиган мурожаатларнинг аксарияти уларнинг муаллифлик ҳақи – гонорарлари тўланиши билан боғлиқдир.

Мурожаатлар эгалари буюртмачилар томонидан муаллифлик ҳақининг ўз вақтида берилмаётгани, тўланиши лозим бўлган муаллифлик ҳақлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги «Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича кўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3201-сонли Қарори билан тасдиқланган муаллифлик ҳақининг энг кам ставкаларидан паст фоизларда эканлигига эътироз билдиришмоқда...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан Интеллектуал мулк агентлиги-

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада бугунги кунда жаҳонда ва Ўзбекистонда муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик чораси ва уни такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, маъмурий жавобгарлик, жиноий жавобгарлик, контрафакт, муаллифликни ўзлаштириш.

* * *

В данной статье рассматриваются вопросы определения ответственности за нарушение авторских и смежных прав в мире и в Узбекистане, а также приводится сравнительный анализ опыта зарубежных стран.

Ключевые слова: авторское право, смежные права, административная ответственность, уголовная ответственность, контрафактная продукция, присвоение авторства.

* * *

This article describes questions about how to measure liability for copyright and related rights violations in the world and in Uzbekistan and a comparative analysis of foreign countries experience.

Key words: copyright, related rights, administrative liability, criminal liability, counterfeit products, attributions of authorship.

га қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши бўйича ўрганишлар ўтказиш;

- давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонунбузилишлар, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни баргаф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

- интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

- интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўллаш.

2019 йил 2 майдаги Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига илк бор муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари киритилди³.

Киритилган ўзгартиришларга кўра, асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, худди шунингдек асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини такрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига етказиш ёхуд асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларнинг тайёрловчилари ҳақида, уларни ишлаб чиқариш жойлари тўғрисида, шунингдек муаллифлик ҳуқуқининг ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари ҳақида ёлгон ахборотни кўрсатиш, асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини, шунингдек уларни такрорлаш ҳамда тарқатиш учун фойдаланиладиган материаллар ва ускуналарни ҳамда бошқа ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса,

асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини, шунингдек уларни такрорлаш ҳамда тарқатиш учун фойдаланиладиган материаллар ва ускуналарни ҳамда бошқа ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳозирда Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича ишларни олиб бормоқда. Мазкур халқаро ташкилотга аъзо бўлишнинг дастлабки шарти унинг Интеллектуал мулк ҳуқуқий савдо жиҳатлари бўйича битими (ТРИПС)га кўшилиш ҳисобланади. Бу битимнинг энг асосий талабларидан бири интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларининг қонунчиликда белгилангани, муқаррарлиги ҳамда кучайтирилганидир⁴.

Бугунги кунда Ўзбекистон олдида иккита муҳим вазифа – интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтириш ва интеллектуал мулк объектларининг ҳимояланганлиги бўйича миллий қонунчиликни халқаро қоида ва нормаларга мослаштириш турибди.

Тадқиқотчилар фикрига кўра, жаҳон амалиётида интеллектуал мулк объектларининг ноқонуний айланишидан келиб чиқадиган зарар қуйидаги бир неча турларга бўлинган ҳолда ўрганилади:

- мамлакатнинг ташқи имиджига салбий таъсир ва инвестицион муҳитнинг бузилиши;

- муаллифлик ҳуқуқлари эгаларининг маҳсулотларига етказилган зарар;

- давлатнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондларига келиб тушадиган солиқ ҳамда бошқа тўловларнинг тушмаслиги оқибатида мамлакат иқтисодиётига етказиладиган зарар;

- уюшган жиноятчиликни молиялаштириш манбаси⁵.

Жавобгарликнинг белгиланиши интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар ҳимоя қилинишини мустаҳкамлаш, фан, адабиёт ва санъат соҳасини ҳалол рақобат асосида ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Россия Федерациясининг Жиноят кодек-

сида муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириш оқибатида муаллифга ёки бошқа ҳуқуқ эгасига катта миқдорда зарар етказиладиган бўлса, айбдорга икки юз минг рублгача (27 млн. сўмдан ортик) миқдорда жарима ёки 18 ой давомида айбдорнинг ойлик иш ҳақи ёки бошқа даромадларидан ушлаб қолиш ёки 480 соатгача мажбурий ишларга жалб этиш ёки олти ойгача қамоқ жазоси қўлланилади.

Агарда юқоридаги ноқонуний ҳаракатлар олдиндан келишилган ҳолда шахслар гуруҳи ёки уюшган гуруҳ томонидан ёки жуда йирик миқдорда ёки хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, айбдорни беш йилгача мажбурий ишларга юбориш, олти йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва беш юз минг рублгача жаримага тортиш ёки уч йилгача ойлик иш ҳақи ёхуд айбланувчининг бошқа даромадларини ушлаб қолиш билан жазоланади.

Шунингдек, Беларусь Республикасининг Жиноят кодексига муаллифликка мажбурлаш ёки муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштирилганлик учун жамоатчилик ишларига юбориш, жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишларига юбориш жазоси қўлланилади. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларидан ноқонуний фойдаланиш ёки ноқонуний тарқатиш маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил ичида такроран айнан ўша ҳаракат содир этилса ёки бу ҳаракатнинг орқасидан йирик миқдордаги даромад олинган бўлса, жамоатчилик ишларига юбориш ёки жарима ёхуд уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.

Россия қонунчилиги каби Беларусда ҳам ушбу ноқонуний ҳаракатлар олдиндан келишилган ҳолда шахслар гуруҳи ёки уюшган гуруҳ томонидан ёки хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда катта миқдорда зарар етказиш

оқибатида содир этилган бўлса, жарима ёки беш йилгача бўлган муддатга қамоқ, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади⁶.

Грузия жиноят қонунчилигида, муаллифликни ўзлаштириш ёки ҳаммуаллифликка мажбурлаш жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланган. Ушбу хатти-ҳаракатни кўп бор содир этиш уч йилгача озодликни чеклаш ёки ушбу муддатга қадар озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади⁷.

Мазкур мамлакатларнинг тажрибаси ҳамда бугунги кунда телекоммуникация тармоғи орқали содир этилаётган муаллифлик ҳуқуқини бузиш ҳолатлари кенг учраётгани миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришни талаб этади. Хусусан, Жиноят кодексига муаллифликнинг ўзлаштирилгани ҳамда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг бузилганлиги учун алоҳида моддаларда жавобгарликни белгилаш, чораларни кучайтириш лозим.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасини таъминлаш бўйича аниқ ўйланган ва мустаҳкам давлат сиёсатини ишлаб чиқиш талаб этилади. Маълумки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам бозордаги контрафакт маҳсулотларининг барчасини йўқотиш бўйича чораларни кўраолмайди. Бунинг асосий сабабларидан суд, прокуратура ва бошқа ваколатли ташкилотларда мутахассис кадрларнинг етишмовчилигидир.

А. ЮЛДАШОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтини мустақил изланувчиси

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 260-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 41-сон, 543-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 136-модда.

³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон.

⁴ www.wipo.int/wipolex/ru/treaties/text.jsp?file_id=379915.

⁵ Ю.В.Толчёнова. Уголовная ответственность за нарушение авторских и смежных прав. Дисс. на соискание учёной степени кан.юрид. наук. Москва-2010 г.

⁶ <http://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275>.

⁷ <http://www.matsne.gov.ge>

АКТИВЛАРНИ ҚАЙТАРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш уюшган жиноятчилик фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиши туфайли ҳам миллий хавфсизликка жиддий таҳдид солади.

Фикримизча, активларни қайтариш ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашни ташкил этиш бўйича АҚШ қонунчилиги энг мукаммали ҳисобланади. Бу мамлакатда ноқонуний пулларни ювишга қарши фаол кураш ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган. 1970 йилда АҚШ Конгресси мазкур ходисага қарши кураш соҳасида замонавий давлат сиёсатини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган учта қонунни қабул қилди: «Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида», «Гиёҳванд моддалар тарқалишини универсал назорат қилиш тўғрисида», «Банк сири тўғрисида». Ўша вақтлардаёқ Америка Қўшма Штатлари ушбу ноқонуний фаолиятда махфий банк депозитларидан фойдаланиш имконияти ҳақида жиддий фикр юрита бошлади.

Хусусан, бундай ҳисобварақлардан солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, ноқонуний йўл билан олинган маблағларни тақсимлаш ҳамда ички савдо қоидаларини бузиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда фаол фойдаланилган. Банк сири тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш ва тергов қилишда асосий тўсиқ бўлган, чунки мустақил бўлган банклар ўз мижозларининг ҳисобварақлари тўғрисида маълумот бериш бўйича қонуний мажбурият олмайдилар.

АҚШ Адлия вазирлигининг Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва активларни қайтариш бўлими (Money Laundering and Asset Recovery Section, MLARS) ўзлаштирилган активларни қайтариш бўйича етакчи агентлик ҳисобланиб,

хориж давлатлари расмий идораларининг сўровларини кўриб чиқиш, коррупция ва бошқа жиноий схемалар бўйича ноқонуний ўзлаштирилган активларни қайтаришга оид ахборот алмашишда ёрдам беради.

Адлия вазирлигининг Ташқи ишлар бошқармаси жиноят ишлари бўйича бўлими (Office of International Affairs, OIA) АҚШнинг марказий органи ҳисобланиб, ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги барча расмий сўровларни қабул қилиш ва жўнатиш ҳуқуқига эга. Хорижий давлатлардан ёрдам сўраб келиб тушган расмий мурожаатлар Ташқи ишлар вазирлигига келиб тушади. Федерал Тергов Бюроси (Federal Bureau of Investigation, FBI) ва Миллий хавфсизлик хизмати тергов бўлимида (Homeland Security Investigations, HSI) махсус молиявий терговчилардан иборат гуруҳлар мавжуд бўлиб, уларнинг бевосита вазифаси глобал коррупцияга қарши курашишдир¹.

Германияда 1992 йил 15 июлда қабул қилинган «Гиёҳвандлик воситалари ва бошқа уюшган жиноятчиликнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан жиноий қонунчиликка ўзгартишлар киритилган.

Хусусан, Германия Жиноят кодексининг 261-моддасида пул ювиш ва мулкий имтиёзларни яширганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Унга кўра, ноқонуний хатти-харакатлардан бири натижасида олинган даромадни, унинг келиб чиқиш манбасини яширган ёки ушбу объектнинг келиб чиқиши, унинг жойлашган жойи, мусодара қилиниши, олиб қўйилиши, сақланиши ёхуд бундай объектнинг сақланиши ёки сақланишига тўсқинлик қиладиган ҳар қандай шахс жавобгар бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу модданинг бешинчи қисмида жиноят эҳтиётсизлик

(бепарволик) туфайли содир этилган бўлса ҳам, айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш имконияти кўзда тутилган. Шунингдек, агар жиноятчи ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олса ва зудлик билан бу ҳақда ваколатли давлат органларига хабар қилса ва моддий бойликлар бус-бутун сақланишини таъминласа, бундай ҳаракатлар жавобгарликни истисно қилади².

Активларни қайтариш бўйича Ирландия тажрибасида жиноий йўл билан қўлга киритилган активларни мусодара қилишни таъминлаш учун жиноий мусодара қилиш ва жиноий таъкибдан ташқари, фуқаролик тартибида мол-мулкни мусодара қилиш белгиланган³. Ноқонуний ўзлаштирилган активларни қайтариш бўйича тергов Бюроси кўп тармоқли агентлик бўлиб, полиция, солиқ ва божхона бошқармалари, ижтимоий хавфсизлик вазирлиги вакиллари, юридик мутахассис, маъмурий ва техник ходимлардан иборат.

Таиланд ҳукумати томонидан 1999 йилда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва пулларни ювишга қар-

ши курашиш тўғрисида қонун қабул қилиш билан бирга пулларни ювишга қарши курашиш бошқармаси тузилган⁴.

Бошқарма Адлия вазирлиги назорати остида иш олиб борадиган мустақил орган бўлиб, Бош вазир ёки унинг ўринбосари бошчилигидаги пулларни ювишга қарши Кенгашга ҳисобот беради.

Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳозирги кунда суд қарорлари ижросини тан олиш ва ижрога қаратиш масалаларида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги 30 дан ортиқ давлатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар имзоланган.

Ўзбекистонда суд қарорлари асосида бериладиган ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари зиммасига юклатилган. Суд қарорлари ижро-

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақоладан активларни бошқариш, жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш бўйича халқаро тажриба ҳамда бу борадаги халқаро ташкилотлар мутахассислари берган тавсиялар ўрин олган.

Калит сўзлар: жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, активларни қайтариш.

* * *

В этой статье рассматривается международный опыт по управлению активами, возврату активов, полученных преступным путем, и рекомендации специалистов международных организаций в этой области.

Ключевые слова: легализация доходов, полученных преступным путем, возврат активов.

* * *

This article discusses international experience in the management of assets, recovering criminally obtained assets and recommendations of specialists of international organizations in this area.

Key words: legalization of proceeds of crime, asset recovery.

си бўйича мол-мулкларни давлат фойдасига мусодара қилиш мазкур Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»-ги қарори билан тасдиқланган Низом ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади⁵.

Низомда давлат даромадига ўтказиладиган, олиб қўйилган мол-мулкни ҳисобга олиш ва сақлаш, давлат даромадига ўтказиш ёки уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилиш, мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги қарорларни бажариш ва уларни ҳисобга олиш, йўқ қилиб ташлаш, тасарруф этиш, автомототранспорт воситаларини ва кўчмас мулкни давлат даромадига ўтказиш, ҳисобга олиш хусусиятлари, мол-мулкни сотишдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш тартиби ҳам белгиланган.

Чет эл судлари ва арбитражларининг қарорларини ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари билан белгиланади. Бошқа давлатлар судларининг қарорларини ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 363-моддаси, чет эл арбитражларининг қарорларини ижро қилиш масаласи Олий Мажлиснинг 1995 йил 22 декабрдаги қарори билан ратификация қилинган 1958 йил 10 июндаги «Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида»ги Нью-Йорк Конвен-

цияси талаблари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси суди томонидан чет эл судининг ёки арбитражининг қарори асосида берилган ижро варақаси, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарор қонуний кучга кирган вақтдан эътиборан уч йил ичида мажбурий ижро этиш учун топширилиши мумкин⁶.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат активларини бошқариш агентлиги ўзига юклатилган функция ва вазифалари доирасида давлат активларини бошқариш, хусусийлаштириш, давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш, банкротлик, баҳолаш ва риэлторлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви органи ҳисобланиб, у жиний йўллар билан ўзлаштирилган активларни қайтариш ёки уни тасарруф қилишга ваколатли эмас.

Суд қарорлари асосида мусодара қилиш белгиланган активларни давлат даромадига қайтариш эса Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари томонидан амалга оширилади.

Хорижий тажрибага асосланган ҳолда миллий қонунчилигимизга ҳам активларни қайтаришнинг самарали ҳуқуқий механизмларини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Н. ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Академияси
тингловчиси

¹ «Механизмы и процедуры возвращения активов в США: практическое руководство для международного сотрудничества». Подразделение по отмыванию денег и возврату активов (MLARS) Министерство юстиции США.

² «Опыт США и Германии в сфере борьбы с легализацией (отмыванием) доходов, полученных преступным путем» Международный научный журнал «Символ Науки» №2/2016 issn 2410-700 x.

³ Выявление доходов от преступной деятельности: Опыт Ирландии. «Возврат похищенных активов Руководство по конфискации активов вне уголовного производства» стр.220.

⁴ Роль Бюро по управлению активами в составе Управления по борьбе с отмыванием денег «Возврат похищенных активов Руководство по конфискации активов вне уголовного производства» стр.239.

⁵ 2009 йил 15 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низом.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси.

КОРОНАВИРУСНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ

Сўнгги вақтларда дунёда кенг тарқалиб бораётган коронавирус Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Вируснинг яқин истиқболда Ўзбекистон иқтисодиётига қай даражада таъсир кўрсатишини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Коронавирус глобал иқтисодий инқироз хавфини вужудга келтирди. Хусусан, молиявий активлар, глобал бозорлар ва мамлакатлар иқтисодиёти таҳлили бўйича етакчи таҳлилий компаниялардан бири ҳисобланган Focus Economics жорий йил февраль ойининг ўрталаридан бошлаб коронавируснинг жаҳон иқтисодиётига таъсири ва унинг иқтисодий оқибатлари бўйича етакчи экспертлар орасида сўров ўтказиб келмоқда. Жумладан, ушбу компания томонидан жорий йил 11 март куни яқунланган сўровномада бутун дунё бўйлаб 54 та етакчи иқтисодчи ва молиявий таҳлилчилар иштирок этган. Уларнинг фикрига кўра, келгуси 12 ой ичида глобал иқтисодий инқирознинг вужудга келиши эҳтимоли 43 фоизга тенг. Ўз навбатида, Corficolombiana компаниясининг бош иқтисодчиси Жулио Ромеронинг маълум қилишича, коронавируснинг глобал иқтисодиётга таъсирини «ҳақиқий бўрон» билан қиёслаш мумкин. COVID-19 коронавирусининг хавфи ва кўлами кун сайин ошиб бормоқда, унинг таъсирини АҚШ каби йирик давлатлар иқтисодиётида ҳам кузатишимиз мумкин. Ҳозирги кундаги ноаниқликлар камида 6 ҳафта сақланиб қолади, дейди у.

Дунёнинг илғор мамлакатлари томонидан коронавируснинг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш мақсадида бир қанча чоралар кўрилмоқда. Хусусан, АҚШ Федерал Резерв Тизими иқтисодий фаолликни барқарор ҳолатда ушлаб туриш мақсадида, жорий йил 3 март куни базавий фоиз ставкасини 0,5 фоиз пунктга туширди. АҚШ Молия вазирлиги ҳузурида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бўйича махсус гуруҳ тузилган. Япония ҳукумати иқтисодиётни инқироздан сақлаб қолиш мақсадида 10 трлн. АҚШ доллари ажратди.

Жаҳонда коронавируснинг кенг тарқалиши ортидан дунё иқтисодий ўсишининг тушиши прогноз қилинмоқда. Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) 2020 йилдаги жаҳон иқтисодий ўсиш суръатлари прогнозини 0,5 фоизга камайтирди. ИХРТнинг маълум қилишича, савдо урушлари ва сиёсий танглик туфайли ўзи шундоқ ҳам «жар ёқасида»ги дунё иқтисодиёти ҳозирги кундаги таъминот занжирининг узилиши, ресурсларга бўлган талабнинг сустлашиши, туризмдаги пасайиш тенденцияси ва касаллик сабабли истеъмолчилар ишончининг камайиши билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. ИХРТ ҳисоботида кўра, энг ёмон сценарий (Downside scenario) бўйича, яъни эпидемия кўламининг дунё бўйлаб кенгайиши, эпидемияга қарши қўлланиладиган чоралар ва ваҳима сабабли, ишлаб чиқаришга жиддий

зарар келтириши ва оқибатда иқтисодий рецессияни олиб келиши, пировардда эса глобал иқтисодий ўсиш 1,5 фоизгача пасайиши прогноз қилинган.

Коронавирус пандемияси туфайли жаҳоннинг иқтисодий локомотивларидан бири ҳисобланган Хитой иқтисодиётининг тушиши ортидан Ўзбекистонда валюта тушумининг қисқариши кузатилмоқда. Жумладан, Хитой Ўзбекистоннинг энг катта савдо ҳамкори ҳисобланиб, Хитой билан ташқи савдо айланмаси 2019 йилда 7,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Қайд қилиш жоизки, Хитой билан савдо ҳажмининг миқдори иккинчи ўриндаги Россиядан 1 миллиард АҚШ долларига кўпроқдир. Шу билан бирга Хитойдаги энергоресурсларга бўлган талабнинг камайиши Ўзбекистоннинг Хитойга амалга ошираётган экспортини, шу жумладан, табиий газ экспорти ҳажмининг камайишига олиб келади. Ўзбекистоннинг экспорти таркибида энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари (яъни табиий газ) 3-ўринда (14,1 фоиз) туришини, Хитойга жами экспорт ҳажмининг 36,4 фоизи энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари ҳисобига тўғри келишини эътиборга олиб хулоса қилиш мумкинки, бу ҳолат Ўзбекистонга валюта тушумининг қисқаришига олиб келади. Шунингдек, Хитойдан келаётган хом ашё ва бутловчи қисмларнинг камайиши, транспорт харажатларининг ўсиши, ишлаб чиқариш таъминотидаги узилишлар Ўзбекистоннинг sanoat соҳасига жиддий зарар келтириши эҳтимолдан холи эмас. Сабаби, Ўзбекистон sanoati учун зарур бўлган машина ва асбоб-ускуналар импорти умумий ҳажмида Хитойнинг улуши 30,9 фоизни ташкил этади, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмларнинг импортида ҳам Хитойнинг улуши энг катта кўрсаткич (24,0 фоиз) ҳисобланади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, иқтисодиётимизда пандемиянинг таъсирини юмшатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Нефть нархининг жаҳон бозорида кескин тушиб кетиши Россия ва Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши тахмин қилинмоқда. Хусусан, жорий йил 9 март куни дунё нефть бозорида нефтнинг нархи ўзининг 2014 йилдан кейинги энг паст даражасини қайд этди. Ўз навбатида, мазкур вазият ортидан Россия етакчи компаниялари, жумладан, «Газпром», «Лукойл», «Роснефть», «Сбербанк», «X5 Retail Group», «Новатэк», «Северсталь» ва бошқаларнинг акциялари нархлари Лондон биржасида кескин тушиб кетди. Жаҳон нефть нархларининг пасайиши фонида Россия рубли пасайишни бошлади – доллар 72 рублга, евро эса 82 рублга кўтарилди. Шу билан бирга Россия рублининг кучсизланиши – сўмнинг алмашув курсини кучайтириши, бу эса, Россия бозорида Ўзбекистон экспорт маҳсулотларининг қимматроқ бўлишига ва маҳаллий экспортёрларнинг даромадлари камайишига, ўз навбатида, бу ҳам Ўзбекистондаги валюта ҳажми камайишига таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, Россия иқтисодиётининг сустрлашиши оқибатида Ўзбекистонлик мигрантларнинг мамлакатимизга келтираётган 3,4 млрд. АҚШ долларлик (ЯИМга нисбатан 5,9 фоиз) фойдасининг қисқаришига олиб келиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, аҳоли умумий даромадлари таркибида трансфертлардан келадиган даромадлар 25,3 фоизни ташкил этишини ҳисобга

олганда, мазкур вазият Ўзбекистонда аҳолининг яшаш даражасига ҳам таъсир кўрсатади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, коронавирус ортидан кузатилаётган дунё иқтисодиётидаги инқирозли вазият яқин истиқболда Марказий Осиё давлатларига, жумладан, Ўзбекистонга ҳам салбий таъсирини кўрсатади. Бу маҳаллий корхоналарнинг Хитой, Россия ва бошқа мамлакатлар билан хўжалик алоқаларининг узилиши ва ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши билан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, келгусида иқтисодиётни инқироздан сақлаб қолиш ҳаётини муҳим манфаатга айланади.

Агарда коронавирус пандемияси яқин истиқболда сақланиб қолса, мамлакат ички ресурсларининг ишлатилиб кетиши, шунингдек Хитойга бир томонлама боғлиқликни пасайтириш мақсадида ички имкониятларга кўпроқ эътибор берилиши прогноз қилинади, натижада барча ресурслар иқтисодиётни тиклашга сафарбар этилади, оқибатда турли соҳаларда қонун бузилиши ҳолатлари ҳам кузатилиши мумкин.

Ана шундай мураккаб шароитда турли муаммолар ечимига хизмат қилиши мумкин бўлган қуйидаги таклифларни илгари суришни лозим деб ҳисоблаймиз:

коронавирус сабабли иқтисодий инқироз шароитида аҳолининг харид қобилиятини сақлаб қолиш зарур. Бунинг учун масалан, давлат идоралари ходимларининг иш ҳақларини сақлаб қолиш, кунлик даромадга эга бўлган аҳолининг ҳаёт кечирishi учун лозим бўлган пул таъминоти ёки муддатли микро истеъмол кредитларини жорий этиш;

Ўзбекистоннинг йирик савдо ҳамкорлари бўлган Хитой, Россия ва Марказий Осиё минтақаси билан иқтисодий алоқаларни «Хавфсиз коридор» ташкил этган ҳолда давом эттириш. Бунда, ҳаво ва темир йўл

транспортига устуворлик берган ҳолда дезинфекция чораларига аҳамият бериш;

дунё бозоридаги нефть ва газнинг нархи билан боғлиқ вазият ҳамда Хитойга газ экспортининг қисқараётганлигини инобатга олиб, газ қазиб чиқариш билан боғлиқ харажатларни қисқартириш;

2020 йилдаги салбий омиллар таъсирида давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромад қисмини шакллантиришда жиддий хатарларнинг олдини олиш мақсадида йирик солиқ тўловчи ҳисобланадиган корхоналардаги вазиятни ва истиқболни яқин орада таҳлил қилиб чиқиш;

қисқа муддат ичида ички ва ташқи товар бозорларида пайдо бўлган бўшлиқларни аниқлаш ва уларни маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар эгаллашини таъминлаш мақсадида кам фоизли кредитларни жорий этиш;

коронавирус тарқалишидан олдин қабул қилинган (айниқса, Хитой ва коронавирус тарқалган бошқа мамлакатлардан келтирилган материаллар бўйича) катта лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бюджет харажатларини қайта кўриб чиқиш;

2008 йилдаги жаҳон иқтисодий инқирозидан сўнг капитал оқимнинг ривожланган давлатлардан ривожланаётган давлатларга (Хитойга) қараб ҳаракатланганлиги кузатилган. Шунинг учун ҳам юзага келган вазиятдан унумли фойдаланиб қолиш имконияти мавжуд. Ундан фойдаланиш учун мамлакатнинг қулай инвестицион муҳитини яратишга катта эътибор қаратиш, инвестицион жозибадорликни ошириш лозим бўлади.

Ў. НОМОЗБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши
етақчи инспектори, иккинчи
даражали адлия маслаҳатчиси